Inson manfaatlari — oliy qadriyat

# ADOLAT

O'zbekiston «Adolat» sotsial-demokratik partiyasi

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA • info@adolatgzt.uz • www.adolatgzt.uz • www.adolat.uz • № 22 (1086) • 2016-yil, 27-may, juma

## “УНИВЕРСИАДА – 2016” СПОРТ ЎЙИНЛАРИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Қадрли фарзандларим!

Ҳурматли ота-оналар, устоз-мураббийлар ва спорт мухлислари!

Авваламбор, сиз, азизларни бугун барча-барча ёшларимизнинг, қолаверса, бутун халқимизнинг эътиборини ўзига тортаётган талаба ёшларнинг спорт байрами бўлмиш Универсиада ўйинларининг тантанали очилиши билан самимий муборакбод этаман.

Ўзининг гўзаллиги ва бетакрорлиги билан «олтин водий» деб ном олган сўлим диёрда алоҳида ажралиб турадиган Фарғона шаҳрида янгитдан қурилган мана шу муаззам стадионни биринчи бор байрамона кайфиятда тўлдириб ўтирган сиз, азиз юртдошларимга, сизларнинг тимсолингизда бутун Фарғона аҳлига чин қалбимдан ҳурмат-эҳтиромимни ва эзгу тилакларимни билдириш – мен учун ҳақиқатан ҳам катта шарафдир.

Ҳеч шубҳасиз, бугун бошланаётган Универсиада беллашувлари Ватанимиз мустақиллигининг қутлуғ 25 йиллик байрами арафасида бўлиб ўтаётгани унга чуқур мазмун ва кўтаринки руҳ бағишламоқда.

Албатта, бугунги нуфузли мусобақаларга етиб келиш сизларга осон бўлмаганини ҳаммамиз яхши биламиз. Саралаш босқичларида иштирок этган 165 мингдан зиёд ўғил-қизларимиз орасидан фақат 900 нафар қатнашчига бундай юксак бахт насиб этгани бу беллашувларнинг нақадар кескин ва муросасиз ўтганидан, сизларнинг тинимсиз кураш, бақувват ирода ва маҳорат ҳисобидан бугунги марраларга етиб келганингиздан далолат беради.

Мамлакатимизда шаклланган, “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод” ва Универсиада спорт ўйинларини ўз ичига олган, уч поғонадан иборат ноёб тизимнинг юқори босқичи бўлмиш Универсиада ўйинларида қатнашиш шарафига эришиш ва маҳоратингизни намоён этишнинг ўзи, ҳеч шубҳасиз, улкан ғалабадир, десам, асло хато бўлмайди. Барчангизни ана шундай катта ютуқ билан қизғин табриклаб, сизларга ўзимнинг самимий меҳрим ва ишончимни билдириб, бўлғуси беллашувларда омад ва зафарлар тилайман.

Азиз болаларим!

Ҳаммамизга хурсандчилик етказадиган мана шундай шукуҳли кунда мустақиллик йилларида озод ва фаровон ҳаёт барпо этиш, мамлакатимиз салоҳияти ва қудратини юксалтириш, фарзандларимизни ҳар томонлама етук инсонлар этиб тарбиялаш йўлида қандай улуғвор ишларни амалга оширганимиз беихтиёр хаёлимизга келади.

Бу ҳақда гапирганда, аввало, кейинги ўн йилда Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг 744 миллиард сўмлик маблағи ҳисобидан барча вилоят, шаҳар ва қишлоқларимизда 1 минг 700 дан зиёд замонавий спорт иншоотлари бунёд этилганини таъкидлаш ўринлидир. Энг муҳими, жондан азиз болаларимизни ёшликдан бошлаб спорт билан шуғулланишга жалб этиш, навқирон авлодимизни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан баркамол бўлиб, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмасдан униб-ўсиши ва юксак чўққиларни эгаллаши учун мустаҳкам замин яратишга эришдик.

Давлатимиз, жамиятимиз томонидан кўрсатилаётган, илгари тасаввур ҳам қилиб бўлмайдиган бундай улкан эътибор туфайли тарихан қисқа даврда бу соҳада қўлга киритган ютуқ ва марраларимиз ҳақида кўп гапириш мумкин. Мен фақатгина айрим мисолларга диққатингизни қаратмоқчиман.

Мамлакатимизда охирги ўн йил давомида спорт билан мунтазам шуғулланиш даражаси болалар ва ўсмирлар ўртасида 30 фоиздан 57 фоизга, қиз болалар ўртасида 24 фоиздан 47 фоизга етгани бизнинг бу борада қандай катта ўсишга эришганимиздан далолат беради.

Яна бир муҳим томони шундаки, 2005 йилда фарзандларимиз спортнинг 43 та тури билан шуғулланган бўлса, бугунги кунда бу рақам 59 тани ташкил этмоқда. Биз учун мутлақо янги бўлган бадиий гимнастика, таэквондо, муайтай, сузиш, синхрон сузиш, теннис, ватерпол, эшкак эшиш каби спорт турлари бўйича ёшларимиз нуфузли халқаро мусобақаларда юксак шоҳсупаларга кўтарилмоқда. Уларнинг номлари дунё миқёсида машҳур бўлаётгани, ҳурмат билан тилга олинаётгани Ўзбекистонимизнинг обрў-эътиборини жаҳон майдонида юксалтириш ва тараннум этишнинг ёрқин ифодаси бўлиб, бундан ҳар қанча ғурурлансак, фахрлансак, арзийди, албатта.

Айниқса, қизларимизнинг йигитлардан қолишмасдан, кураш, дзюдо, каратэ, таэквондо каби соҳаларда салмоқли ютуқларни қўлга киритаётгани ёш авлодимиз ўз олдига қўйган мақсадларга эришишда ҳар томонлама қатъият, мардлик ва азму шижоат кўрсатишга қодир эканини яна бир бор тасдиқлайди.

Бугунги кунда ана шундай ёшларимиз қаторида Руслан Нуриддинов, Светлана Радзивил, Ихтиёр Наврўзов, Вадим Меньков, Гулноза Матниёзова, Аббос Раҳмонов, Нафиса Мўминова, Бекзод Абдураҳмонов, Бектемир Меликўзиев, Ситора Ҳамидова, Ҳасанбой Дўсматов, Екатерина Воронина, Жасур Бойқўзиев, Раънохон Омонова, Диёрбек Ўрозбоев, Марина Хмелевская, Зоҳид Кенжаев сингари маҳоратли спортчиларимиз ўзларининг дастлабки зафарли қадамларини айнан Универсиада ўйинларида бошлагани бу беллашувлар ўғил-қизларимиз учун ҳақиқатан ҳам “парвоз майдончаси” бўлиб хизмат қилаётганидан далолат беради.

Мен, сиз, азиз фарзандларимнинг халқаро майдонларда – бу илм-фан, маданият ва санъат бўладими, спорт мусобақалари бўладими, барча соҳаларда эришаётган умидбахш ютуқларингиз ҳақида қачонки эшитсам, хабар топсам, хурсандчилигим, сизларга бўлган меҳрим ва ишончим янада зиёда бўлади, десам, қалбимда, юрагимда бўлган гапни айтган бўламан.

Барчангиз яхши хабардорсиз, ҳозирги вақтда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар марказлари ҳамда Тошкент шаҳрида замонавий олий маҳорат спорт мактабларини барпо этиш бўйича қабул қилган дастуримиз асосида катта амалий ишлар олиб борилмоқда. Узоқни кўзлаб ҳаётга татбиқ этилаётган бу дастур мамлакатимизда спорт соҳасини янада ривожлантириш, уни янги, юксак босқичга кўтаришга муносиб ҳисса қўшиши шубҳасиздир.

Ҳурматли анжуман иштирокчилари!

Бу йилги Универсиада мусобақаларида олимпия ўйинлари дастурига киритилган бокс, эркин кураш, юнон-рум кураши, таэквондо, оғир атлетика каби бешта спорт тури бўйича беллашувлар бўлиб ўтиши, табиийки, бу ўйинларнинг нуфузи ва аҳамиятини янада оширади.

Ушбу мусобақаларни юксак савияда ўтказиш учун мамлакатимизда ҳар томонлама катта тайёргарлик ишлари амалга оширилганини алоҳида қайд этиш лозим. Биргина Фарғона шаҳрининг ўзида 37 миллиард 215 миллион сўм маблағ сарфланиб бунёд этилган ва энг юқори талаблар асосида жиҳозланган ўнлаб янги спорт иншоотлари, стадионлар, теннис кортлари, сузиш ҳавзалари, спорт заллари ва бошқа объектлар бугун сизларга ўз эшикларини очмоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, мана шундай замонавий спорт мажмуаларини барпо этган қурувчиларга, меъмор ва муҳандислар, пудратчи ва ҳомий ташкилотларга, шу йўлда сидқидилдан хизмат қилган барча инсонларга, кўпни кўрган, меҳнаткаш Фарғона аҳлига самимий миннатдорлигимни изҳор этаман.

Қадимий ва саховатли Фарғона заминида ўзаро ҳурмат ва дўстлик руҳида, қизғин курашлар билан ўтадиган Универсиада ўйинлари мамлакатимиз ёшлари ҳаётида, спортимиз тарихида ёрқин саҳифа бўлиб қолади, деб ишонаман.

Азиз фарзандларим, қадрли юртдошлар!

Бугунги тез суръатлар, шиддат билан ўзгариб бораётган замон, халқаро майдонда тобора кескин тус олаётган рақобат кўпчилик мамлакатлар қаторида биздан, авваламбор, белини маҳкам боғлаб, катта ният ва ишонч билан ҳаётга кираётган сиз, навқирон ёшларимиздан янгича фикрлашни, энг замонавий билим ва касб-ҳунарларни пухта эгаллашни, Ватанимизнинг тақдири ва эртанги куни учун масъулиятни ўз зиммангизга олишга қодир бўлишни талаб этмоқда.

Бундай юксак мақсадларга етиш учун ҳар қайси йигит-қиз ўз устида тинимсиз ишлаши, иродасини чиниқтириши, бу йўлдаги қийинчиликлар олдида бўш келмай, ғалабага эришиш учун ўзини аямасдан, ҳал қилувчи дақиқаларда бутун борлиғини сафарбар этишга тайёр бўлиши даркор.

Шу маънода, аввало, ўзига талабчанликни ошириш, қатъий интизомга риоя қилиш, ўз олдига қўйган мақсадларга эришиш учун бор куч-ғайратини ишга солиш, ҳаётда курашчи бўлиб яшаш, мардлик ва матонат каби хусусият ва аломатларни фақат спортга ёшликдан ихлос қўйиб, унинг сир-асрорларини чуқур ўрганиш, машаққатли машқларда тобланиш орқали тарбиялаш мумкинлигини ҳеч қачон унутмаслигимизни истардим.

Менинг сиз, азиз болаларимга тилагим шуки, мана шундай олижаноб фазилатлар бугун спорт майдонларида, эртага ҳаёт майдонларида ҳар бирингизга ҳамиша ёр бўлсин!

Барчангизни бағримга босиб, бугунги ёшлик ва спорт байрами билан яна бир бор чин юракдан қутлар эканман, сизларга сиҳат-саломатлик, бахту саодат ва зафарлар тилайман.

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори

## 2016/2017 ЎҚУВ ЙИЛИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИГА ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Республика иқтисодиёти тармоқлари ва минтақаларида талаб этиладиган ихтисосликлар бўйича юқори малакали кадрларни сифатли тайёрлашни таъминлаш, олий таълим муассасаларига қабул қилишда иш берувчиларнинг олий маълумотли мутахассисларга бўлган талаб-эҳтиёжларини, шунингдек, иқтисодиётда таркибий ўзгартиришларнинг мақсадли ўрта муддатли дастурларини амалга ошириш, тармоқларни модернизациялаш, техник қайта жиҳозлаш ва диверсификациялашни, мамлакат минтақаларини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни ҳисобга олган ҳолда ўзаро боғлиқлиги ва мутаносиблигини кучайтириш мақсадида:

1. Маълумот учун қабул қилинсинки, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Меҳнат вазирлиги, Молия вазирлиги, ўз тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган вазирликлар ва идоралар билан биргаликда, акциядорлик компаниялари, хўжалик бирлашмалари ва корхоналар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари иштирокида:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 23 июндаги “Республика олий ўқув юртларига қабул қилиш параметрларини шакллантириш механизмини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2360-сонли қарорига мувофиқ олий ўқув юртларига қабул қилиш параметрлари ва янги қурилаётган корхоналарнинг ҳудудий жойлашуви, иқтисодиётдаги таркибий ўзгартиришлар бўйича дастурий чора-тадбирларни, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник қайта жиҳозлаш ва диверсификациялаш, йўл-транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш омилларини таҳлил қилишни ҳисобга олган ҳолда олий ўқув юртларининг битирувчиларига нисбатан иш берувчиларнинг талаб-эҳтиёжи баланс ҳисоб-китоблари ишлаб чиқилди;

иқтисодиёт тармоқлари ва секторларининг олий маълумотли мутахассислар билан амалда таъминланганлигини экспертизадан ўтказиб баҳолаш натижаларига кўра бакалавриат тайёрлашнинг 18 та янги мутахассислиги жорий этилишини назарда тутувчи олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари рўйхатига тегишли ўзгартиришлар киритилди;

олий ўқув юртларининг аниқ йўналишлар ва мутахассисликлар бўйича битирувчиларига нисбатан истиқболга мўлжалланган талаб-эҳтиёжга, шунингдек, битирувчиларнинг танланган мутахассислик бўйича ишга жойлашуви мониторинги асосида 2016/2017 ўқув йилида олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш квоталари шакллантирилди.

2. 2016/2017 ўқув йили учун:

бакалаврларни 57907 нафар, шу жумладан, давлат грантлари бўйича – 19120 ва тўлов-контракт асосида – 38787 нафар миқдорида 1-иловага мувофиқ;

магистрларни 5000 нафар, шу жумладан, давлат грантлари бўйича – 1548 ва тўлов-контракт асосида – 3452 нафар миқдорида 2-иловага мувофиқ;

Давоми 2-бетда ➤

## СПОРТ, ЁШЛИК ВА ДЎСТЛИК БАЙРАМИ

**Фарғонада 26 май куни олий таълим муассасалари талабалари ўртасида “Универсиада – 2016” республика спорт ўйинлари бошланди**



Гўзал Фарғона байрам оғушида. Ранг-баранг чироқлар ёғдуси кўзни қамаштиради – гўё юлдузлар ерга сочилгандай. Одамларнинг юз-кўзида шодмонлик, шукроналик. Ёшлик, дўстлик, шижоат ва гўзаллик байрами – Универсиада мусобақаларининг руҳи барчага кўтаринкилик улашади.

3➤

## ➤25 ЙИЛ: МУСТАҚИЛЛИК МЎЪЖИЗАЛАРИ



Ҳазорасп Хоразмнинг қадим масканларидан бири ҳисобланади. Туман марказида шаҳар бағридаги қалъа деворлари вайроналарининг остки қисми қадимшунослар томонидан археологик қазишмалар натижасида ўрганилганда унинг тарихи 2700-2800 йилга тенг эканлиги аниқланди. Бу илмий маълумот Ҳазорасп қалъаси Хоразм давлатчилиги пайдо бўлиши ва мустаҳкамланишида муҳим роль ўйнаган шаҳарлардан бири бўлганлигини намоён қилди. Тарихий битикларда бу шаҳар Хоразмнинг жанубий қисмидаги мустаҳкам мудофаа қароргоҳи ва савдо маркази вазифасини ўтаганлиги эътироф этилади.






## ХОРАЗМНИНГ ТЕМИР ТУЛПОРЛАРИ

Шаҳар ўз даврида ниҳоятда улуғвор ва гўзал қалъа сифатида барпо қилинган. Қалъа деворининг қалинлиги 5-6 метр, баландлиги 7-8 метрдан иборат бўлган. Қалъага кириш дарвозасининг эни 16 метрдан ошган. Шаҳар ичидаги саройлар, масжидлар, мадрасалар муҳташам қилиб қурилган. Буларнинг бари ҳазорaспликларнинг шаҳарсозликда етук меъморлар бўлганлигини кўрсатади. Шу билан бирга, қалъа вайроналари остидан, туман ҳудудидаги тарихий жойлар, хусусан, “Хумбузтепа” деб аталган маскандан жуда кўплаб кулолчилик идишлари намуналари, темир ва заргарлик буюмлари бўлаклари, мис ва бронзадан тайёрланган терракоталар қолдиқлари топилиши бу ерлик халқларнинг олис аждодлари ҳунармандчиликда маълуму машҳур бўлганлигидан гувоҳлик беради. Ана шундай бой тарихга эга бўлган бу маскан кўп йиллар давомида эътибордан четда қолиб келди.

6➤

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг қ а р о р и

# 2016/2017 ЎҚУВ ЙИЛИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИГА ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Давоми. Бошланиши 1-бетда

Тошкент кимё-технология институти (Қўнғирот бўлими)нинг махсус сиртқи бўлимида бакалаврларни тайёрлаш давлат грантлари бўйича 65 нафар ва Тошкент ахборот технологиялари университетининг махсус сиртқи бўлимида – 50 нафар, шу жумладан, давлат грантлари бўйича – 15 нафар ва тўлов-контракт асосида – 35 нафар қабул қилиш умумий квоталари 3-иловага мувофиқ белгилансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази, Тошкент тиббиёт академиясининг 2016/2017 ўқув йилидан бошлаб Тошкент тиббиёт академиясининг Урганч филиалига ўқишга қабул қилишни тўхтатиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган вазирликлар ва идоралар билан биргаликда:

жаҳоннинг ривожланган мамлакатларидаги етакчи университетлар ва олий ўқув юртлари билан қалин ҳамкорлик доирасида кенг кўламда иштирок этган ҳолда 2016/2017 ўқув йили бошлангунга қадар барча ўқув режалари ва дастурлари тубдан қайта ишлаб чиқилишини ниҳоясига етказишни таъминласин, фанларни ўқитишнинг эскирган, умрини ўтаб бўлган ёндашув ва услубларидан батамом воз кечишни, бакалавриат ва магистратурада жаҳон фани ва илғор педагогик технологияларнинг замонавий ютуқларига асосланган янги ўқув режалари ва дастурларини жорий этишни, шунингдек, таълим жараёнида уларни амалга ошириш ҳамда олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш учун биринчи навбатда фундаментал ва техник мутахассисликлар бўйича етакчи хорижий олимлар ва ўқитувчиларни жалб этишни назарда тутсин;

олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари фаолиятига баҳо беришда ва моддий рағбатлантиришда уларнинг хорижий тилларни қай даражада эгаллаганлигига ҳамда замонавий педагогик, мультимедиа ва ахборот-коммуникация технологияларини ўқув жараёнида қўллай олиш савиясига аҳамият берсин;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги ПФ-4732-сонли Фармонига биноан ташкил қилинган мамлакат олий ўқув юртларининг 15 та таянч марказларида олий таълим муассасаларининг раҳбар ва профессор-ўқитувчилар таркибини янги ўқув дастурлари ва таълим услублари бўйича қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни 2016 йилнинг 1 июлидан ташкил қилишни таъминласин, шу мақсадда чет эллардаги етакчи олий таълим муассасаларининг олимлари ва профессорларини кенг жалб қилсин.

5. 2016/2017 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси (кейинги ўринларда – Давлат комиссияси)нинг таркиби 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Давлат комиссиясига бакалавриат тайёрлашнинг йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича олий таълим муассасаларига кириш чоғида абитуриентлар тўплаган балларнинг рейтинг баҳосини ҳисобга олган ҳолда бакалавриат ва магистратурага қабул қилишнинг белгиланган умумий квоталари доирасида олий таълим муассасаларига қабул қилиш параметрларига ўзгартишлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

6. Ўз тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идоралар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази билан биргаликда бир ҳафта муддатда ўзларига қарашли олий таълим муассасалари доирасида бакалавриат ва магистратура бўйича давлат гранти ҳамда тўлов-контракт асосида ўринлар квотасини таълим тилларига қараб тақсимлашга оид таклифларни Давлат комиссиясига тасдиқлаш учун киритсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Халқ таълими вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази билан биргаликда:

Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлар классификаторига янги киритилаётган бакалавриат йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича белгиланган тартибда ўзгартиш ва қўшимчалар киритсин;

шу йилнинг 1 августига қадар янги киритилаётган бакалавриат йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича ўқув режалари ва дастурларини ишлаб чиқиб, белгиланган тартибда тасдиқласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2016/2017 ўқув йилида давлат грантлари асосида бакалавриат ва магистратурага қабул қилиш бўйича белгиланган квоталарни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан зарур маблағлар ажратилишини таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ўз тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган вазирликлар ва идоралар, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази билан биргаликда:

бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

ўзларининг идоравий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларини ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри, 2016 йил 26 май*

# КУЧЛИ ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ САМАРАЛАРИ

## аҳоли турмуш сифати ва даражаси ошаётганида намоён бўлмоқда

### ФРАКЦИЯ ЙИҒИЛИШИ

**Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон «Адолат» СДП фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ижросининг 2015 йил ҳамда 2016 йил 1-чорак якунлари кўриб чиқилди.**

Қонучилик палатаси депутатлари, бир қатор мутасадди вазирликлар, идора ва ташкилотларнинг масъул раҳбар ходимлари иштирок этган йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Молия вазири ўринбосари Мубин Мирзаевнинг Давлат бюджети ва давлат мақсадли



жамғармалари бюджетларининг ҳисобот давридаги ижроси юзасидан ҳисоботи тингланди.

Таъкидланганидек, 2015 йил иқтисодий дастурларининг устувор вазифалари тизимли равишда амалга оширилиши натажасида ўсишнинг барқарор юқори суръатларини, макроиқтисодий мувозанатни сақлаш, мамлакат иқтисодиётини модернизациялаш ва диверсификациялаш таъминланди.

2015 йил якунлари бўйича мамлакат ялпи ички маҳсулоти 8 фоизга ўсди, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 8 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми 6,8 фоизга, капитал қурилиш 17,8 фоизга ошишига эришилди. Инфляция даражаси прогноз кўрсаткичларидан паст бўлди, яъни 5,6 фоизни ташкил қилди.

Мамлакатимизда ички истеъмол талабининг кенгаётгани аҳоли даромадларининг ортиб бораётганини кўрсатмоқда. Бу 2015 йилда чакана савдо айланмаси 15 фоиздан зиёд, пуллик хизматлар ҳажми 10,8 фоизга ўсганлигида намоён бўлди.

Давлатимиз раҳбари жорий йил бошида Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисида эътироф этганидек, ўтган 2015 йил бизнинг бош мақсадимиз бўлмиш асосий вазифа – одамларимизнинг муносиб ҳаёт даражаси ва сифатини таъминлаш ва ривожланган демократик давлатлар қаторидан ўрин эгаллаш бўйича муҳим ислоҳотларни амалга ошириш йўлида катта қадам бўлди.

Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси аъзолари ҳисобот давридаги Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажатлар қисмининг ижроси муҳокамасида социал-демократик ғояларга таянган ҳолда асосий эътиборни ижтимоий соҳаларда амалга оширилган ишларга қаратди.

**Зафар СУЛТОНОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзоси:**

– Ҳақиқатан ҳам, қарийб саккиз йилдан буён давом этаётган жаҳон молиявий инқирозига қарамай мамлакатимиз иқтисодиёти барқарор ўсишда давом этаётгани, шубҳасиз, дунё жамоатчилиги эътироф этаётган миллий тараққиёт моделимиз самарасидир. Ушбу моделнинг устувор йўналишларидан бири бўлган кучли ижтимоий сиёсат тамойили аҳолимизнинг турмуш сифати ва фаровонлиги ошиб бораётганида намоён бўлмоқда. Буни ижтимоий соҳани янада ривожлантириш, мамлакатимиз аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини муттасил ошириб боришга қаратилган эътибор натижасида 2015 йилда халқимизнинг реал даромадлари 9,6 фоизга ошиб, ўртача ойлик иш ҳақи, пенсия, ижтимоий нафақа ва стипендиялар 21,9 фоизга кўпайганида ҳам кўриш мумкин.

Ҳисобот даврида ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга йўналтирилган маблағлар Давлат бюджети харажатларининг 58,8 фоизини ташкил этди. Бу харажатлар ялпи ички маҳсулотга нисбатан 12,4 фоизни ташкил этди.

Хусусан, 2015 йилда ижтимоий соҳа харажатларининг асосий қисмини, яъни 57,1 фоизини ташкил этган таълим муассасаларини сақлаш ва уларни ривожлантириш харажатларига Давлат бюджетидан 12 триллион 162,2 миллиард сўм маблағ ажратилди. Ушбу соҳага йўналтирилган маблағлар ижросини муҳокама қилиш асносида таълим-тарбия соҳасидаги ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, мактабгача таълим муассасаларидан тортиб, олий ўқув юртларигача моддий-техник базани мустаҳкамлаш, таълим муассасаларини замонавий ахборот технологиялари, электрон ўқув-таълим дастурлари ва мультимедиа маҳсулотлари билан таъминлаш учун йўналтирилаётган маблағларнинг мақсадли ижросини таъминлашга жиддий эътибор қаратдик.

Таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда таълим-тарбия соҳасига ҳар йили сарфланаётган харажатлар ялпи ички маҳсулотга нисбатан 10-12 фоизни ташкил этаётгани ЮНЕСКОнинг мамлакатни барқарор ривожлантиришни таъминлаш учун таълимга йўналтирилиши зарур бўлган инвестициялар миқдори бўйича тегишли тавсияларидан, яъни 6-7 фоиздан қарийб 2 баробар кўпдир. Бу барчамизни фахрлантиради, албатта.

**Мақсуд ҚУРБОНБОЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзоси:**

– Сўнгги йилларда мамлакатимиз олий таълим тизимида ҳам туб ислоҳотлар амалга оширилмоқда. 2015 йилда олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчиларини мунтазам қайта тайёрлаш бўйича мутлақо янги, такомиллаштирилган тизим жорий қилингани бунинг яққол далилидир. Ҳисобот даврида 15 та таянч олий ўқув юртида олий таълим муассасалари раҳбарлари ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш курслари ташкил этилди. Мазкур курсларда олий ўқув юртларининг 2,7 мингга яқин ўқитувчиси малака оширди.

Таълим соҳасига йўналтирилган маблағлар ижросини муҳокама этиш чоғида, шунингдек, партиямиз дастурий ғояларидан келиб чиқиб, илм-фанни ривожлантиришни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган маблағлар ижросига ҳам алоҳида эътибор қаратдик.

Илм-фанни ривожлантиришга 2015 йилда 216,7 миллиард сўм миқдорида маблағ ажратилган бўлиб, шундан тармоқлар бўйича давлат илмий-техника дастурлари доирасида амалга оширилаётган илмий-техника лойиҳаларини молиялаштиришга 137,4 миллиард сўм, инновацион лойиҳаларни молиялаштиришга 25,6 миллиард сўм, ноёб объектлар ва фанга хизмат кўрсатувчи муассасаларни сақлаш харажатларига 40,4 миллиард сўм ҳамда 13,3 миллиард сўм давлат архивларини сақлашга ва илм-фанни ривожлантириш билан боғлиқ бошқа харажатларга йўналтирилди.

Шундан келиб чиқиб, фракциядошларимиз илм-фанни ривожлантиришга йўналтирилган маблағлар мамлакатимизнинг илмий, илмий-техник салоҳиятини янада ривожлантиришда, иқтисодиётни модернизация қилиш ҳамда ишлаб чиқаришни техник ва технологик қайта жиҳозлашда муҳим аҳамият касб этишини эътироф этдилар.

**Муҳаррам ДАДАХОДЖАЕВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзоси:**

– Партиямиз Сайловолди дастуридан келиб чиқиб, соғлиқни сақлаш муассасаларини замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминлаш ва касалликларнинг профилактикасига йўналтирилган маблағларнинг мақсадли сарфланиши бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар кўлами фракциядошларимиз томонидан чуқур таҳлил этилди.

Қайд этилганидек, 2015 йилда соғлиқни сақлаш тизимини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш борасидаги ишлар изчил ва тизимли асосда давом эттирилди. Ҳисобот даврида 141 та тиббиёт муассасасини қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш учун қарийб 500 миллиард сўм маблағ сарфланди.

Бундан ташқари, қишлоқ врачлик пунктларини оптималлаштириш, замонавий диагноз ва даволаш ускуналари билан жиҳозлаш ишлари ниҳоясига етказилди.

Бу борада амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида кейинги 5 йилда мамлакатимизда ҳар 100 минг чақалоққа нисбатан болалар ўлими 23,1 дан 19 тага, 5 ёшгача бўлган болалар ўлими 14,8 тадан 13,9 тага, чақалоқлар ўлими 11 тадан 10,7 тага камайди. Ушбу кўрсаткичлар бўйича Ўзбекистон БМТнинг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига тўлиқ эришганлиги эътиборга моликдир.

Шу билан бирга, касалликларнинг профилактикасига қаратилган чора-тадбирларни кучайтиришга йўналтирилган маблағларга ҳам эътибор қаратдик. 2015 йилда ушбу мақсадга 1 509,4 миллиард сўм, яъни соҳага ажратилган маблағларнинг 32,0 фоизи йўналтирилгани бизни қувонтирди.

Муҳокамалар жараёнида фракциядошларимиз томонидан ижтимоий соҳага ажратилаётган маблағларнинг мақсадли сарфланиши устидан жамоатчилик ва парламентнинг самарали назоратини ўрнатиш, бу борада, айниқса, маҳаллий Кенгашлардаги партия депутатлик корпусининг роли ва масъулиятини янада ошириш зарурлиги билдирилди.

**Алишер МАҲМАТМУРОДОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзоси:**

– Давлат бюджети ижросини кўриб чиқиш жараёнида маҳаллий аҳамиятга эга автомобиль йўлларини сақлаш ҳамда қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида якка тартибда уй-жойлар қуриш бўйича мақсадли давлат дастурининг амалга оширилиши борасида олиб борилаётган ишларни ҳам чуқур муҳокама қилдик.

Ушбу дастур доирасида 2015 йилда 12 мингта янги турар жойлар барпо этилган. Албатта, намунавий лойиҳа асосида бунёд этилаётган турар жой массивларида барча зарурий инфратузилма яратилмоқда. Яъни, маҳалла гузари, хизмат кўрсатиш ва сервис шохобчалари, болалар майдончалари қурилаётгани аҳолига қулайлик яратмоқда. Эндиликда мазкур намунавий лойиҳалар асосида бунёд этилаётган уйларга энергия борасида тежамкор технологияларни кенг жорий қилиш, ижтимоий объектларни бунёд этишда айни жиҳатларни инобатга олиш вақти келди. Мамлакатимиз муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш бўйича қулай иқлим шароитларига эгалиги, айниқса, қуёш панелларини ишлаб чиқариш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар, олимларимиз томонидан олиб борилаётган илмий изланишлар бизга бундай имкониятни беради. Муқобил энергия манбаларини ўрнатиш бўйича имтиёзли банк кредитлари ажратиш, бу борада аҳоли орасида олиб борилаётган тушунтириш ва тарғибот ишларини кучайтириш зарур. Айни мақсадларни Сайловолди дастурининг устувор йўналишларидан этиб белгилаган "Адолат" СДП ва унинг депутатлик корпусидан бу борада янада фаоллик, ташаббускорлик талаб этилади.



Қизғин муҳокамалардан сўнг фракция аъзолари Ўзбекистон «Адолат» СДП нуқтаи назаридан келиб чиқиб ўз таклиф ва тавсияларини билдирдилар. Йиғилиш якунида фракциянинг тегишли қарори қабул қилинди.

**Илёс САХАТОВ, «Adolat» мухбири**

# СПОРТ, ЁШЛИК ВА ДЎСТЛИК БАЙРАМИ

Давоми. Бошланиши 1-бетда

Фарғона шаҳридаги “Истиқлол” стадиони узра “Универсиада – 2016” спорт мусобақаларининг чорлов садолари янграйди.

Майдонда азму шижоатда, билим ва салоҳиятда, истеъдоду маҳоратда ҳеч кимдан кам бўлмаган навқирон ёшларимиз – Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри терма жамоалари аъзолари саф тортади.

Фарғона вилояти ҳокими Ш.Ғаниев Ўзбекистон олий таълим муассасалари талабаларининг “Универсиада – 2016” спорт ўйинларини очиқ, деб эълон қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг “Универсиада – 2016” спорт ўйинлари иштирокчиларига табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янграйди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи кўтарилади.

Универсиада байроғи ҳилпирайди.

“Универсиада – 2016” спорт ўйинлари иштирокчилари она Ватанга содиқ фарзанд, элга таянч бўлишга, Ватан равнақи ва унинг халқаро майдонларда обрў-эътиборини янада юксалтиришда бор билим, куч, истеъдод ва салоҳиятини сафарбар этишга тантанали қасамёд қилди. Мустақиллик фарзандларининг қатъияти, жасорати, иродасию шижоати шаҳдам қадамларида, ўткир нигоҳларида акс этади.



Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўтган даврда бу борада бекиёс ислоҳотлар амалга оширилди. Келажагимиз эгалари бўлган ёшларнинг замонавий таълим-тарбия олиши, касб-ҳунар эгаллаши, саломатлигини мустаҳкамлаши, ўз истеъдод ва салоҳиятини намоён этиши учун яратилган имкониятларга бугун дунё ҳавас қилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг “Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва, албатта, бахтли бўлишлари шарт!” деган даъвати бугун ҳаётимизда ўз ижобатини топмоқда.

Ўсиб келаётган ёш авлодни жисмоний соғлом, маънавий етук этиб вояга етказиш, Ватанимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини юксалтиришнинг муҳим воситаларидан бири бўлган спорт, жумладан, болалар спортини ривожлантириш, спорт иншоотларини зарур инвентарлар, мураббий ва мутахассислар билан таъминлаш, ёшларнинг нуфузли спорт мусобақаларида муносиб иштирок этишига кенг имконият яратишга қаратилаётган доимий эътибор ўзининг юксак самараларини бераётир.

Ана шундай шароит ва имкониятлардан унумли фойдаланаётган миллионлаб ўғил-қизларимиз жисмоний тарбия ва спортни ҳаётининг ажралмас бўлаги, кундалик эҳтиёжига айлантирган. Бу уларнинг жисмоний камолотида, халқаро мусобақаларда эришаётган юксак ғалабаларида ўз ифодасини топмоқда.

Президентимиз раҳнамолигида Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятининг йўлга қўйилиши бу борада салмоқли натижаларга эришишда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. 2005 йилда мамлакатимизда 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган болалар ва ўсмирларнинг 30 фоизи спорт билан шуғулланган бўлса, 2015 йилда бу 57,2 фоизни ташкил этди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан жорий этилган уч босқичли спорт ўйинлари – “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод” ва Универсиада мусобақалари мамлакатимизнинг миллионлаб ёшлари қалбида Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини камол топтирмоқда, аждодларимизнинг мардлик ва жасурлик анъаналарини муносиб давом эттиришида, эзгу орзулари, спорт оламидаги юксак чўққиларни забт этишдек улкан мақсадларини рўёбга чиқаришида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мазкур уч босқичли спорт мусобақалари Олимпия ўйинлари қоида ва талаблари асосида ўтказилади. Мусобақаларда жисмонан ва руҳан чиниққан, тажриба ва маҳоратини оширган кўплаб спортчиларимиз энг нуфузли спорт анжуманларида – қитъа ва жаҳон чемпионатлари, Осиё ва Олимпия ўйинларида муваффақиятли иштирок этмоқда. Уларнинг ғалабалари шарафига Ватанимиз байроғи баланд кўтарилиб, давлатимиз мадҳияси янграмоқда.

…Бу йилги Универсиада спорт ўйинларининг Олимпиада йилида ўтказилишида ўзига хос рамзий маъно бор. Зеро, Олимпиада ҳам, Универсиада ҳам спортчиларнинг бирдамлик, дўстлик байрами, тажриба ва маҳорат майдонидир. Мазкур мусобақалар спортнинг асосий тамойилларидан бўлган саломатлик, тинчлик ва эзгуликка хизмат қилади.

Жорий йилда Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида XXXI ёзги Олимпия ўйинлари бўлиб ўтади. Мамлакатимиз спортчилари ҳам мазкур нуфузли спорт анжуманида муносиб иштирок этиш учун пухта ҳозирлик кўрмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 25 февралдаги “Ўзбекистон спортчиларини 2016 йилда Рио-де-Жанейро шаҳрида (Бразилия) бўлиб ўтадиган XXXI ёзги Олимпия ва XV Паралимпия ўйинларига тайёрлаш тўғрисида”ги қарори бу борада муҳим дастуриламал бўлмоқда.

“Универсиада – 2016” спорт ўйинлари иштирокчилари орасида Олимпиадага йўлланма олган спортчилар ҳам бор. Универсиада улар учун нуфузли мусобақа олдидан ўзига хос тайёргарлик вазифасини ўтайди.

…Стадионга Тошкент вилояти Паркент туманидаги “Физика-Қуёш” илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси Материалшунослик институтининг қуёш ўчоғидан аланга олдирилган машъалани кўтарган йигит ва қиз кириб келади.

“Универсиада – 2016” спорт ўйинлари машъаласини бокс бўйича ўсмирлар ўртасида жаҳон ва Осиё чемпиони, ўсмирлар Олимпиадаси ғолиби, катталар ўртасида Осиё чемпиони, жаҳон чемпионати совриндори, Олимпиада йўлланмаси соҳиби Бектемир Меликўзиев ва теннис бўйича Ўзбекистон чемпиони, халқаро турнирлар ҳамда 2014 йил Наманганда ўтган “Баркамол авлод” ўйинлари совриндори, Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси Сарвиноз Саидхўжаева ёқади.

“Универсиада – 2016” спорт ўйинлари 15 спорт тури – баскетбол, бокс, волейбол, гандбол, дзюдо, енгил атлетика, оғир атлетика, стол тенниси, сузиш, таэквондо (WTF), теннис, футбол, шахмат, эркин ва юнон-рум кураши бўйича ташкил этилмоқда. Ушбу спорт турларининг деярли барчаси Олимпиада дастуридан жой олган. Унда мамлакатимиз ҳудудларида ўтган саралаш мусобақаларида ғолиб чиққан йигит-қизлар қатнашмоқда. Ёшларнинг аксарияти спорт билан мунтазам шуғулланиб, “Умид ниҳоллари” ва “Баркамол авлод” спорт ўйинларида тажриба ва маҳоратини оширган.

Фарғона шаҳри кейинги йилларда янада чирой очди. Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 15 ноябрдаги Фарғона шаҳрининг бош режасини амалга ошириш, 2012-2015 йилларда ижтимоий ва транспорт-коммунал инфратузилма объектларини қуриш ва реконструкция қилиш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорига асосан шаҳарда кенг кўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Йўллар, кўчалар, кўприклар қурилди, мавжудлари реконструкция қилиниб, мукаммал таъмирланди. “Фарғона” халқаро аэропорти, қатор маъмурий бинолар реконструкция қилинди, замонавий меҳмонхоналар, кўп қаватли турар жойлар барпо этилди.



Истироҳат боғлари, хиёбонлар, замонавий аттракционли боғлар, лазершоули амфитеатр, мусиқали фавворалар бунёд этилди. Шаҳарнинг барча кўча ва майдонларида иқлим мўътадиллигини таъминловчи манзарали дарахт кўчатлари, турфа гуллар экилди.

Замонавий архитектура ва миллий меъморлик анъаналарини мужассам этган муҳташам Театр-концерт саройи фойдаланишга топширилди. Бу ерда томошабинлар учун барча қулайликлар яратилган. Қирқ гектар майдонда барпо этилган сўлим хиёбон, турфа рангда жилоланувчи мусиқали фаввора саройга янада чирой бағишлади. “Нефтчи” стадиони ўрнида спорт-соғломлаштириш мажмуаси, сузиш ҳавзаси, Мустақиллик кўчасида Ёшлар маркази бунёд этилиши ёшларнинг ҳар томонлама соғлом ва баркамол бўлиб вояга етишига қаратилаётган юксак эътиборнинг амалдаги ифодасидир.

– Фарғонага келган кишининг гўзаллигу маҳобатдан, озодалигу таровватдан баҳри дили очилади, – дейди «Нуроний» жамғармаси вилоят бўлими раиси Топволди Холдоров. – Президентимиз ташаббуси билан амалга оширилаётган бундай улкан ўзгаришлар вилоят аҳлининг бунёдкорлик туйғуси билан яшаши, обод ва фаровон келажагини барпо этишида муҳим омил бўлмоқда.

Вилоятда талаба-ёшларнинг Универсиада мусобақаларига қизғин тайёргарлик кўрилди. Мусобақа олдидан кенг кўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Жаҳон андозалари асосида барпо этилган 20 минг ўринли “Истиқлол” стадиони ноёб меъморий-муҳандислик ечими, бетакрор дизайни билан шаҳар кўркига кўрк қўшиб турибди.

Фарғона шаҳрида янги спорт иншоотлари барпо этилиб, қатор спорт мажмуалари таъмирланди. Фарғона давлат университетида спорт-соғломлаштириш мажмуаси, 3 минг 200 ўринли футбол майдони, ёпиқ сузиш ҳавзаси, учта волейбол майдони ва енгил атлетика йўлаклари қурилди. Фарғона Олимпия захиралари коллежи спорт заллари таъмирдан чиқарилди. Фарғона политехника институтининг 4 талабалар турар жойи ва ошхонасида таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Кўкаламзорлаштириш ишлари доирасида турли кўчатлар ўтқазилиб, арча, каштан, ҳинд сирени, фарбиция сингари манзарали ва бутасимон дарахтларга уйғун ҳолда йўлаклар барпо этилди.

Фарғона, Маърифат, Мураббийлар кўчалари замонавий архитектура талаблари асосида таъмирланиб, 5 километрлик йўл реконструкция қилинди. Мусобақа иштирокчилари ва меҳмонлари яшайдиган талабалар турар жойлари ва меҳмонхоналарда барча шароит яратилди.

…Стадионга ёш спортчилар, таниқли эстрада хонандалари кириб келади. Улар ижро этган қўшиқ ва рақсларда Ўзбекистон ёшларига хос интилиш, ғайрат-шижоат, жўшқинлик ва нафосат намоён бўлади. Ранго-ранг безаклар, турфа чироқлар байрамга ўзгача файз бахш этади. Майдон узра таралаётган шўх мусиқа ёшларни рақсга чорлайди, тантанавор руҳ қалбларга кўчади.

– Президентимиз табригини зўр ҳаяжон ва мамнуният билан тингладик. Бу мамлакатимизда спортни янада ривожлантиришга Юртбошимиз томонидан қаратилаётган эътиборнинг яна бир ёрқин ифодасидир. Бундай нуфузли Универсиада спорт ўйинларида қатнашиш ҳар бир йигит-қизнинг орзуси, – деди Фарғона политехника институти талабаси Ситора Қўзиева. – Бу мусобақа биз ёшларни беллашувларга чорлайди, ўзимизга бўлган ишонч туйғусини мустаҳкамлайди.

– Президентимизнинг Универсиада қатнашчиларига йўллаган табриги қалбимизни тўлқинлантирди, бизга янада куч-ғайрат бағишлади, – деди Навоий давлат педагогика институти талабаси Фаррух Асатуллаев. – Мен мамлакатимизда ўтказиладиган уч босқичли спорт тизимининг барча бўғинларида иштирок этаётганимдан хурсандман. Бу спорт тизими биз, ёшларнинг катта спортда юқори натижаларни қўлга киритишимизда ўзига хос мактаб вазифасини ўтайди.

– Универсиаданинг таэквондо бўйича ўтказиладиган беллашувларида қатнашаман, – дейди Бухоро давлат университети талабаси Фарангиз Исмоилова. – Олимпия ўйинлари дастурига киритилган спорт турлари, жумладан, таэквондонинг уч босқичли узлуксиз спорт тизимига киритилиши биз, ёш спортчиларнинг халқаро майдондаги нуфузли мусобақаларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишимизга катта замин яратади. Фарғонанинг гўзаллиги, озодалиги ҳар қандай кишини ҳавасини тортади. Бу ерда яратилган шароитлар мусобақа иштирокчиларини янги-янги марралар сари чорлайди.

Мусобақа қатнашчилари учун қизиқарли ва кўнгилочар тадбирларга бой катта маданий дастур тайёрланган. Унда таниқли спортчилар, ёзувчи ва шоирлар, санъат намояндалари билан учрашувлар, Фарғона шаҳрининг диққатга сазовор жойларига саёҳатлар, турли шоу-концертлар ўтказиш кўзда тутилган.

“Универсиада – 2016” спорт ўйинларининг тантанали очилиш маросими катта концерт дастури билан якунланди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев иштирок этди.



**Байрам АЙТМУРОДОВ,**
**Масъуджон СУЛАЙМОНОВ,**
**ЎзА махсус мухбирлари**

*ЎзА олган суратлар*

# УНИВЕРСИАДА ТАДБИРЛАРГА БОЙ БЎЛМОҚДА

“Универсиада – 2016” спорт ўйинлари доирасида Фарғона политехника институтида ФИФА рефериси Равшан Эрматов билан учрашув бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазири А.Ваҳобов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг спорт билан шуғулланиши учун шарт-шароит яратишга алоҳида эътибор қаратилаётгани самарасида халқаро мусобақаларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилаётган спортчиларимиз сафи кенгайиб бораётганини таъкидлади.

Ўзбек ҳаками Равшан Эрматовнинг футбол оламида эришаётган улкан натижалари бунинг яққол тасдиғидир.

Р.Эрматов беш маротаба “Осиёнинг энг яхши ҳаками” деб эътироф этилган. Халқаро футбол уюшмалари федерацияси 2011 йилда уни “Жаҳоннинг энг яхши ҳаками” сифатида тан олди. Р.Эрматов 2014 йили Бразилияда ўтказилган футбол бўйича жаҳон чемпионатида жами тўртта учрашувда ҳакамлик қилди ва жаҳон чемпионатлари финал босқичида энг кўп – 9 учрашув бошқариб, дунё рекордини ўрнатди. Бу билан ўзбек спортчилари ҳам дунёда ҳеч кимдан кам эмаслигини амалда яна бир карра исботлади.

Р.Эрматов футбол оламининг нуфузли мукофотларидан бири – “Globe Soccer Awards – 2015” совринини қўлга киритган.

– Ҳар бир спортчи нуфузли мусобақаларда иштирок этишни орзу қилади. Мамлакатимизда бунинг учун барча имкониятлар яратилган, – дейди Р.Эрматов. – Ёшларимиз ана шу имкониятлардан унумли фойдаланса, албатта, ўз мақсадига эришади. “Универсиада – 2016” спорт ўйинлари қатнашчиларига омад тилайман. Бу мусобақалар келгусида спортчиларимизнинг халқаро ареналардаги янги ғалабаларига пойдевор бўлади.

Учрашувда Равшан Эрматов ёшларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарди.

**Б.АЙТМУРОДОВ,**
**М.СУЛАЙМОНОВ,**
**ЎзА махсус мухбирлари**

> СЕМИНАР-ТРЕНИНГ

**Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши томонидан Наманган вилоятида ўтказилган республика ўқув семинарининг иккинчи иш кунида партия Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар партия ташкилотлари, намунавий туман, шаҳар кенгашлари раислари, масъул ходимлари, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этдилар.**



# ПАРТИЯ ФАОЛИЯТИНИ
## такомиллаштириш омиллари

Семинар-тренинг иштирокчилари дастлабки куни тўрт гуруҳга бўлиниб, Наманган вилоятининг туман, шаҳар ва бошланғич партия ташкилотлари фаолияти билан яқиндан танишдилар. Сайёр семинар давомида партия ташкилотлари етакчилари ташкилий-партиявий ишларни юритиш, аҳоли ва электорат билан ишлаш, депутатлик гуруҳлари билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш, БПТларга услубий ва амалий кўмаклашиш борасида ўзаро тажриба алмашдилар.

Семинарнинг асосий иш кунида "Партиянинг мафкуравий-дастурий вазифаларини амалиётга татбиқ этишда партия бўғинларининг ўрни", "Партия тизимида бошқарув, иш юритиш, ижро интизоми, депутатлар билан ишлаш: талаб ва таҳлил", "Парламент назоратини амалга оширишда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳларининг ўрни" каби мавзуларда маърузалар тингланди. Сўзга чиққанлар партия ташкилотлари олдида турган энг муҳим вазифаларни рўёбга чиқаришда тўпланган илғор тажрибани ўрганиш ва кенг оммалаштириш катта аҳамиятга эга эканини таъкидладилар.

Қайд этилганидек, ўтган йилларда партия фаолиятини ташкилий жиҳатдан такомиллаштириш, ҳудудий ва маҳаллий ташкилотларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, партия аъзолари сонини ошириш, кадрлар малакаси ва салоҳиятини юксалтириш бўйича кўпгина ишлар амалга оширилди. Партия фаолиятига доир дастурий ҳужжатлар такомиллаштирилди.

Партия Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси Марказий аппарати томонидан ҳудудий ва маҳаллий кенгашларнинг ҳамда бошланғич партия ташкилотларининг моддий-техник базаси, тарқатма материаллар билан таъминланганлик даражаси ўрганилиб, ўтган йил давомида барча ҳудудий ва маҳаллий кенгашлар офис мебеллари, компьютер жамланмалари, тарқатма материаллар билан таъминланди.

Партия кадрларининг касбий малакаси ва сиёсий салоҳиятини ошириш мақсадида ҳудудий партия ташкилотлари кадрлари, "Ёш адолатчилар" қаноти, "Аёллар қаноти"нинг ҳудудий кенгашлари етакчилари учун сиёсий ўқувлар ўтказилди. Ушбу ўқувларда соҳалар бўйича малакали мутахассислар жалб қилиниб, партия тизимида иш юритиш тартиби, фаолият сифатини ошириш бўйича тегишли билим, кўникма ва кўрсатмалар берилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат бошқаруви академиясида ўтган йилнинг октябридан бугунги кунга қадар 31 нафар кадрлар малакаси оширилди.

Бу эса, ўз навбатида, партия аъзолари ва БПТлар сонининг ўсиши, тарғибот тадбирлари сони ва сифати ошиб бораётганлигида ўз самарасини намоён қилмоқда. Бугунги кунда барча туман ва шаҳар партия кенгашларида камида иккитадан намунали қуйи ташкилотлар ташкил қилишга эришилди. Республика семинарини ўтказишдан мақсад ҳам ушбу йўналишларда ижобий натижаларга эришаётган партия ташкилотларининг тажрибаларини оммалаштириш, ҳудудий партия кенгашлари фаолларининг ўзаро тажриба алмашишларига имконият яратишга қаратилди.

Семинар давомида Ўзбекистон "Адолат" СДП Наманган шаҳар кенгаши раиси Рустам Икромов, Республика акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази Наманган филиали қошидаги БПТ раиси Ойша Қосимова, Косонсой туман марказий поликлиникаси қошидаги БПТ раиси Муяссар Каримова, Навоий вилоят партия кенгаши раиси Ҳамид Жумаев, Самарқанд вилояти Нуробод тумани партия кенгаши раиси Нодира Ботировалар ўз иш тажрибалари ҳақида сўзлаб бердилар.

Кун тартибидаги масалалар юзасидан Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Наманган вилоят ҳудудий бўлинмаси раҳбари Зафар Худойбердиевнинг мулоҳазалари тингланди. Иштирокчилар бир қатор муҳим таклифларни ўртага ташлаб, фикр алмашдилар.

Семинардан сўнг биз иштирокчилар билан тадбир таассуротлари ҳақида суҳбатлашдик.

**Валижон ТЎЙЧИЕВ, Сирдарё вилоят партия кенгаши раиси ўринбосари:**

*– Маълумки, партия ташкилотлари фаолиятида аҳоли ўртасида ўтказиладиган тарғибот-ташвиқот тадбирлари муҳим ўрин тутади. Бироқ семинарда таъкидланганидек, тарғибот-ташвиқот ишларининг барчаси юқори савияда ташкил этилмоқда, дея олмаймиз. Уларнинг аксарияти эскича услубда ташкил қилинади. Бир неча нотиқларнинг маърузаларини кетма-кет тинглаган иштирокчилар зерикади, албатта. Семинарда айни жиҳатларга жиддий эътибор қаратиш, жойларда ўтказиладиган тадбирларнинг партиямиз дастурий ғояларига ва лойиҳаларга тўлақонли мос келишини таъминлаш, ушбу жараёнда "Аёллар қаноти" ва "Ёш адолатчилар" қаноти фаоллигини ошириш зарурлиги таъкидланди.*

*Айниқса, барчамиз учун энг улуғ ва энг азиз бўлган мустақиллигимизнинг 25 йиллик байрами муносабати билан ўтказиладиган тадбирларни юқори савияда ташкил этиш юзасидан чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш масаласи ҳам зиммамизга катта масъулият юклайди.*

**Ривож ОТАРБОЕВ, Ўзбекистон "Адолат" СДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши раиси ўринбосари:**

*– Электоратимиз манфаатларини рўёбга чиқариш, уларни ўйлантираётган масалаларга ечим топиш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ижросини таъминлашда энг муҳим механизм бу, шубҳасиз, маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик корпусимиз саналади.*

*Албатта, маҳаллий Кенгашлар депутатлари ўз ваколатлари доирасида жуда кўп иш қилиши мумкин. Аммо бу борада мавжуд имкониятлардан етарлича фойдаланилмаётганлиги сезилмоқда. Шу нуқтаи назардан семинарда партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳларининг мустаҳкам алоқасини таъминлаш, жойларда амалдаги қонунларнинг ижро этилиши устидан самарали жамоатчилик ва депутатлик назоратини ўрнатиш, сайловчиларнинг мурожаатлари асосида тегишли ташкилотларга депутатлик сўровлари киритиш, мансабдор шахсларнинг ҳисоботини тинглаш, сессияга масала киритишда депутатлик гуруҳларининг фаоллигини ошириш, ушбу йўналишларда депутатларга режа ва дастурларни ишлаб чиқишда услубий ёрдам кўрсатиш ҳудудий партия ташкилотларининг муҳим вазифаларидан эканлиги қайд этилди.*

*Семинар давомида мамлакатимизнинг ҳудудларидаги маслакдошлар билан бир қатор мавзуларда суҳбатлашдик. Наманган вилоятининг туман ва шаҳар кенгашлари ҳамда БПТлар офисларининг моддий-техник таъминоти, дастурий ҳужжатлар ва тарқатма материаллар билан таъминланганлиги, ҳужжатларнинг юритилиши ҳақиқатан ҳам намунали ташкил этилганига гувоҳ бўлдик. Албатта, туман, шаҳар кенгашлари учун семинар ўтказиб, бу ерда ўрганган ижобий тажрибаларимизни ўз ҳудудимизда татбиқ этамиз. Мана шундай мулоқотлар умумий ишимизнинг юксалиши учун хизмат қилади, деб ўйлаймиз.*

**Дилафрўз ТЎХТАСИНОВА, Ўзбекистон "Адолат" СДП Янгиқўрғон туман кенгаши раиси:**

*– Партия Сиёсий Кенгаши ташаббуси билан ташкил этилаётган бу каби амалий семинарлар биз учун айни муддаодир. Чунки, партия кадрларининг билим ва малакасини ошириш олдимизда турган энг долзарб масалалардан бири саналади. Шу боис бугунги йиғилишда партия фаоллари ҳамда БПТ етакчилари учун ташкил этиладиган сиёсий ўқувларнинг изчиллигини таъминлаш, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишга жиддий ёндашиш, кадрлар захирасини шакллантириш, партия ташкилотларида ҳар ойнинг бир кунини ҳуқуқий саводхонлик куни, деб эълон қилиш зарурлиги билдирилди.*

*Семинар жараёнида кўтарилган яна бир масала менга маъқул тушди. Наманғандаги анжуманда партиявий ишларни янада такомиллаштириш юзасидан Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар, шаҳар ҳамда туман кенгашлари ўртасида мустаҳкам дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш ва ўзаро мусобақалар ташкил этишга келишиб олинди. Масалан, биз Қашқадарё вилоятининг Касби туманидаги партиядошларимиз билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатдик. Шу ернинг ўзида партиявий-ташкилий ва мафкуравий ишларнинг бир қатор йўналишлари бўйича тажриба алмашдик. Келгусида бундай ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлаймиз. Ўз навбатида, партиявий фаолиятда ижобий кўрсаткичлар бўйича соғлом рақобатга киришамиз.*

**Семинар-тренинг якунида партиявий фаолиятни янада такомиллаштириш юзасидан тегишли тавсиялар ишлаб чиқилиб, партия ташкилотлари олдида турган энг долзарб вазифалар белгиланди ва бундай семинарларни бошқа ҳудудларда ҳам ўтказишга келишиб олинди. Партия фаоллари сиёсий билим ва маҳоратларини ошириб, янги иш услубларини ўз фаолиятларига татбиқ этишни мақсад қилиб қўйдилар.**

**Нурбек АБДУЛЛАЕВ,**
**«Adolat» мухбири**

> ИЖТИМОИЙ ШЕРИКЛИК

**Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши, "Микрокредитбанк" акциядорлик-тижорат банки ҳамда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорлигида "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, янги иш жойларини ташкил этиш, аҳолининг кенг қатлами, айниқса, касб-ҳунар коллежи битирувчилари ва хотин-қизларнинг банк хизматларидан фойдаланишларини янада кенгайтириш" мавзусида республикамиз ҳудудларида ўтказиб келинаётган анъанавий тадбирлар давом этмоқда.**

# БИЗНЕС ЛОЙИҲАЛАРНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ
## хотин-қизлар ва ёшларни ташаббускорликка ундайди

Партиямиз Сайловолди дастурида ёшлар ва хотин-қизлар манфаатларини рўёбга чиқариш, уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлашга доир белгиланган долзарб вазифалар ижросини таъминлашга хизмат қилаётган ушбу тадбирлар жараёнида аниқ амалий натижаларга эришилаётганлиги эътиборга молик. Зеро, юртимизда аҳолини, хусусан, хотин-қизлар ва ёшларни иш билан таъминлаш, уларнинг ташаббускорлиги, тадбиркорлик фаолиятларини қўллаб-қувватлашнинг ҳуқуқий асослари яратилган, хотин-қизлар ва ёшларнинг бу борада белгиланган ҳуқуқларини амалда қўллашларига кўмаклашиш партия ташкилотлари фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири саналади.



Жорий йилнинг 19-20 май кунлари Жиззах вилоятининг Бахмал ва Зарбдор туманларида мазкур мавзуда бўлиб ўтган навбатдаги семинарлар ҳам бунинг яна бир яққол ифодаси бўлди. Унда Олий Мажлис Сенати аъзоси, Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари, "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати, "Микрокредитбанк" АТБ, Хотин-қизлар қўмитаси, вилоят ҳокимлиги вакиллари ҳамда касб-ҳунар коллежи битирувчилари, тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган хотин-қизлар, партия фаоллари, ёшлар иштирок этдилар.

Таъкидланганидек, Ўзбекистон "Адолат" СДП Сайловолди дастурида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, хотин-қизлар ва ёшларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва уларга тадбиркорлик фаолиятларини йўлга қўйишларида кўмаклашиш мақсадида ўтказилаётган мазкур тадбир партиянинг ижтимоий шериклик асосида амалга ошираётган муҳим ишларидан бири сифатида ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаши билан ҳам аҳамиятлидир.

Қизғин баҳс-мунозара ва жонли мулоқотларга бой тарзда бўлиб ўтган мазкур семинарда мутахассислар томонидан бугунги кунда жойларда кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришда молиявий ресурслар беришни янада кенгайтириш, янги иш жойларини ташкил этиш орқали аҳоли, шу жумладан, касб-ҳунар коллежларини битираётган ёшларни манзилли ишга жойлаштириш, шунингдек, аҳолининг кенг қатлами банк хизматларидан фойдаланиши учун яратилган имконият, шарт-шароитлар ҳақида иштирокчиларга батафсил маълумотлар, тавсиялар берилди.

Семинар давомида Бахмал туманидан 5 нафар коллеж битирувчисининг ҳар бирига 3 миллион 900 минг сўмдан, 3 нафар тадбиркор хотин-қизларга турли миқдорларда, жами 89 миллион 500 минг сўм, Зарбдор туманидан 5 нафар коллеж битирувчисининг чорвачилик йўналиши бўйича тақдим қилинган бизнес лойиҳаларини молиялаштириш учун уларнинг ҳар бирига 13 миллион сўм, 3 нафар тадбиркор аёлларга турли миқдорларда, жами 158 миллион 243 минг сўм миқдорида, ҳар иккала туман бўйича жами 6 нафар тадбиркор хотин-қизларга ва 10 нафар коллеж ўқувчиларига умумий қиймати 237 миллион 743 минг сўм имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар тантанали равишда топширилди.

— Билим амали билан чиройли, дейдилар. Коллежда олган билимларимизни ишга солиб, ўрганган касб-ҳунарларимизни намоён этиш фурсати келди, — дейди Зарбдор қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи битирувчиси Жаҳонгир Қаҳрамонов. — Одамларга наф келтириш, ҳудудимиз янада обод, фаровон бўлиши эндиликда биз, ёшларнинг саъй-ҳаракати, ташаббускорлигига боғлиқ. Чорвачилик йўналиши бўйича тақдим қилган бизнес лойиҳам молиялаштирилиши учун сертификат олишга муяссар бўлдим. Бизга билдирилган ишонч, бебаҳо имконларни қадрлаб, амалий ишларимиз билан жавоб беришимиз, астойдил ишлашимиз, бор қобилият ва куч-ғайратимизни сафарбар этишимиз шарт.

Шуни қайд этиш жоизки, ҳар томонлама пухта ишланган бизнес лойиҳаларни молиялаштириш тадбиркорликка бўлган интилишларни кучайтириб, хотин-қизлар ва ёшларни янада ташаббускорликка ундайди.

**Жиззах вилоят кенгаши**
**матбуот хизмати**

> ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲЛАРИДА

# ИШ МУҲИМ, НАТИЖАЛАР ҲАМ...

**Сиёсий партиянинг жойларда дастурий ғоя ва мақсадларини рўёбга чиқаришда асосий механизмлардан бири саналган депутатлик гуруҳларининг ташаббускорлиги ва масъулиятини ошириш давр талабига айланган. Партияларaро рақобат тобора кучаяётгани, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги, ислоҳотларга дахлдорлик ҳисси ортаётгани ҳам шуни тақозо қилади. Социал-демократик ғояларнинг туб моҳиятини кенг тушунтириш, фуқароларнинг ишончини оқлаш баробарида уларни партия сафига жалб этишда ҳам маҳаллий вакиллик органларига партиядан сайланган депутатларнинг роли жуда муҳим.**



Шуларни назарда тутган ҳолда халқ депутатлари Ҳазорасп туман Кенгашидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП депутатлик гуруҳи ўз фаолиятида қонуний ваколат ва имкониятларидан фойдаланиб, ҳудуд аҳолиси, жумладан, сайловчилар ишончини оқлаш учун ўз зиммасидаги вазифаларни лозим даражада уддалашга жиддий эътибор қаратиб келишмоқда.

— Ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда депутатлар ўзларининг масъул эканлигини чуқур англайдилар, — дейди халқ депутатлари туман Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи раҳбари Интизор Жуманазарова. — Шу боис партия депутатлари доимий комиссиялар, сессияларда муҳокамага қўйилаётган ҳар бир масалани мукаммал ўрганиш, таҳлил этиш асосида аниқ хулоса чиқаришга ва қабул қилинган қарорлар ижросини пухта назорат қилишга интилмоқдалар. Натижада дастурий вазифалар қачон, қай тарзда, кимлар иштирокида амалга оширилишидан, энг аввало, фуқаролар хабардор бўлишмоқда, камчилик ва нуқсонларга нисбатан ўз муносабатларини билдиришмоқда.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, партиямизнинг "Таълим муассасаларида ижтимоий тенглик" лойиҳаси доирасида жойларда йўлга қўйилган ишлар аҳолининг диққатини жалб этмоқда. Буни фуқароларнинг депутатлик гуруҳимизга қилган мурожаатлари мисолида ҳам кўриш мумкин. Масалан, туманнинг "Мухамон", "Янги ҳаёт", "Матпири" маҳаллаларида истиқомат қилаётган фуқаролар ушбу маҳаллалардаги 25, 29, 43-сонли умумтаълим мактабларида ўқувчиларнинг мактабда қандай кийинишлари мақсадга мувофиқлиги, бу борада улар орасида ижтимоий тенгликка риоя этилишини таъминлаш ҳақида фикр-мулоҳаза билдириб, бу масалани ўрганиш зарурлигини қайд этишди. Фуқароларнинг мурожаати асосида мазкур мактаблар маъмуриятига депутатлик сўрови киритилди. Ҳозирда мутасадди муассасалар билан ҳамкорликда ушбу масала юзасидан ўрганишлар олиб борилмоқда.

"Бўстон" қишлоғида яшовчи сайловчиларнинг депутатлик гуруҳи аъзоси Манзура Сапаевага қилган мурожаатида тегишли қарорларда белгиланган 8 турдаги озиқ-овқат маҳсулотларини ўз вақтида тарқатишдаги айрим камчиликлар ҳақида сўз юритилган. Шунингдек, ушбу қишлоқнинг "Қовунчи" маҳалласидаги озиқ-овқат дўкони бир йилдан буён ишламаётганлиги, фуқароларнинг 4-5 километр узоқликда жойлашган "Бўстон" маҳалласидаги дўкондан савдо қилишига тўғри келаётганлиги тилга олинган. Депутат М.Сапаеванинг "Ҳазорасп савдо шўъба" корхонаси раҳбари номига киритган депутатлик сўрови юзасидан амалий чоралар кўришга киришилди.

"Қовунчи" маҳалласи аҳли томонидан билдирилган яна бир таклифга кўра, депутатлик сўрови киритилиб, ички йўлларни обод қилишга мутасадди ташкилотлар эътибор қаратишди, натижада маҳалладаги ички йўлларни таъмирлаш масаласи манзилли дастурда қайд этилди ва жорий йилнинг иккинчи чорагида таъмирлаш ишлари бошлаб юборилди. Шу каби депутатлик сўрови натижасида Ҳазорасп туманидаги "Овшар", "Карвак" ва "Мухамон" қишлоқлари ҳудудидан ўтган 2 километр йўл 2016 йилги манзилли дастурга киритилиб, ҳозирда таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда.

Депутатлик гуруҳи туман тиббиёт бирлашмаси қошидаги бошланғич партия ташкилоти билан биргаликда фуқаролар, айниқса, ёшлар бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Депутатлар томонидан жорий йилда 24 нафар фуқаро ва коллеж битирувчиларини тиббиёт муассасаларига ишга жойлаштиришга кўмаклашилди.

Депутатлик гуруҳи аъзолари халқ билан ҳамнафас бўлишга, сайлов округи ҳудудида ташкил этилаётган учрашувлар, долзарб мавзуларда ўтказилаётган тарғибот-ташвиқот ишлари жараёнида аҳолини ўйлантираётган муаммолар, зарур масалаларни аниқлаб олишга жиддий эътибор қаратмоқдалар. Ўз олдимизга қўйган режаларимизга мувофиқ, эндиликда истеъмолчилар ҳуқуқларини амалга ошириш, тўлов пластик карточкаларидан фойдаланишнинг аҳволи, аҳолига транспорт ҳамда тиббий хизматлар кўрсатиш масалаларини таҳлилий ўрганиш кўзда тутилган.

**Замира АБДУЛЛАЕВА,**
**Хоразм вилоят кенгаши**
**матбуот котиби**

# ХАЛҚЧИЛ ҒОЯЛАР, АНИҚ ТАКЛИФЛАР

## партиямизга хайрихоҳликни кучайтирмоқда

### БПТ — ПАРТИЯ ТАЯНЧИ

**Бугунги юксак тараққиёт даври замонавий педагог зиммасига ҳам кўп масъулият юкламоқда. Аввало, бугунги педагог ўз касбига оид янгиликлардан тезда хабардор бўлиб, таълимда янги инновацион усулларни қўллай олиши, бир неча тилларни мукаммал билиши лозим. Ушбу жараёнда ўқитувчиларни қайта тайёрлаш, доимий равишда ўқувлар ташкил этиш муҳим аҳамият касб этади.**



Вилоят педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида бу борада салмоқли ишлар амалга ошириб келинмоқда. Ушбу институтда 62 нафар ўқитувчи фаолият юритаётган бўлса, улар орасида фан докторлари, профессор, фан номзодлари бор. Бу фидойи инсонларнинг илм-маърифат йўлидаги изланишлари туфайли охирги уч йил ичида 2 та монография, 8 та услубий қўлланма, 36 та дарс ишланмалари яратилди. Таълим-тарбия ишларини юксак даражага кўтариш йўлида жонбозлик кўрсатиб келаётган ушбу аҳил жамоа жамоат ишларида ҳам фаоллиги билан вилоятда ўз ўрнига эга. Улар орасида Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг дастур ва ғояларини қўллаб-қувватлаб келаётганлари ҳам талайгина. Яқиндагина ушбу илм даргоҳидаги партиядошларимиз сони 20 нафарга етди, улар институт қошида бу йил фаолиятини бошлаган бошланғич партия ташкилотига бирлашган ҳолда иш олиб боришмоқда.

Партиямизнинг Сайловолди дастурида таъкидланганидек, айнан юқори малакали мутахассислар, бюджет соҳаси ходимлари, педагоглар, шифокорлар, муҳандис-техник ва илм-фан вакиллари, хизмат кўрсатиш соҳалари ходимларида социал-демократлар ўзларининг бош ижтимоий таянчини кўрадилар.

— Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида партиянинг "Ватан келажаги ёшлар қўлида", "Таълим муассасаларида ижтимоий тенглик", "Яхши касб — етук мутахассис — муносиб иш ҳақи" лойиҳалари доирасида жойларда 30 га яқин тадбирлар ташкил этдик, — дейди БПТ раиси Комил Авазов. — Мазкур тадбирларда ота-оналар ҳам иштирок этиб, партиямизнинг халқчил ғоялари, илгари сурган таклифларига хайрихоҳлигини таъкидламоқдалар.

Комил Авазовнинг АҚШ, Польша, Корея, Россия каби давлатларда ҳам 27 та илмий мақоласининг чоп этилгани БПТ раҳбарининг катта интеллектуал салоҳият, чуқур билим эгаси эканини англатади. Ҳафтанинг ҳар жума куни БПТ аъзолари жойлардаги таълим муассасаларида бўлишиб, партиямизнинг "Буюк ва муқаддассан, ҳур Ўзбекистон", "Фарзандлари соғлом юрт — қудратли бўлур", "Ўзбекистон — инсон қадри улуғланган юрт" ижтимоий лойиҳалари асосида ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, навқирон авлод онг-шуурини турли кўринишдаги маънавий таҳдидлардан ҳимоялаш, мафкуравий иммунитетни кучайтириш мақсадида учрашув ва давра суҳбатлари ташкил этишмоқда.

**Мақсуд ТЎРАЕВ,**
**Сурхондарё вилоят кенгаши матбуот котиби**

### ДЕПУТАТ СЎРОВИ

**Депутат халқ вакили, у ўзига ишонч билдирган сайловчиларнинг қувончи-ю ташвишига шерик бўлиши даркор. Элимизнинг инсоний фазилатлари, ҳамиша қадрлаб келган анъаналари бардавом бўлишига ҳисса қўшиш ҳам халқ билан ҳамнафаслик ифодасидир. Маҳаллий вакиллик органларида фаолият юритаётган Ўзбекистон "Адолат" СДП депутатлари буни чуқур англайдилар.**

# ХАЙРЛИ ИШЛАР

## барчани мамнун этмоқда

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига "35-Тузел" сайлов округидан сайланган депутат Фарҳод Абдуллаевнинг галдаги депутатлик сўрови асосида яна бир хайрли иш амалга ошди. Яшнобод туманидаги "Ватандош" МФЙ фаоллари депутатга шу ҳудуддаги қабристонни ободонлаштириш ва зарур таъмирлаш ишларини олиб бориш юзасидан мурожаат қилди. Мазкур мурожаатга мувофиқ Ф.Абдуллаев мутасадди ташкилотларга депутатлик сўрови киритди. Депутатлик сўровида келтирилган масала тез орада ўрганилди. Натижада Яшнобод туман ободонлаштириш бошқармаси билан ҳамкорликда қабристон атрофи, йўл ва йўлаклар ободонлаштирилиб, зиёратга келувчилар учун зарур шароитлар яратилди. Жумладан, ҳомийлар ёрдамида 130 метр узунликдаги бетон қопламали йўлак барпо этилди. "35-Тузел" сайлов округи ҳудудидаги "Тонг", "Ватандош", "Моҳинур" ва "Ал Бухорий" маҳаллалари аҳли бу эзгу ишлардан мамнун эканликларини айтишмоқда.

Халқимиз улуғлаган, одамларнинг ҳаёт тарзига сингиб кетган эзгу қадриятларимиз кўп. Ҳар биримиз кексаларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатишга, улар ҳолидан хабар олиб, кўнглини кўтаришга интиламиз. Яқинда депутат Ф.Абдуллаев ҳомийлар ҳамроҳлигида "Тонг" маҳалласида истиқомат қилаётган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари — 91 ёшлик А.Феличко ва 89 ёшни қаршилаган Ф.Фединлар хонадонида бўлиб, улар билан суҳбатлашди, нуронийларга совғалар тақдим қилди. Сайлов округи ҳудудидаги 8 та маҳаллада истиқомат қилувчи 52 нафар меҳнат фахрийси ва уруш қатнашчиларига ҳам совғалар топширилди.

Фронт орти меҳнат фахрийси Ўзган Газиев соғлиғини тиклаш, жарроҳлик амалиёти ўтказилиши масаласида ёрдам сўраб депутатга йўллаган мурожаати ҳам ижобий ҳал этилди. Ф.Абдуллаев ташаббуси билан ҳомийлар кўмагида Тошкент тиббиёт академияси клиникасида жарроҳлик амалиёти ўтказилиб, Ўзган ота Газиевнинг соғлиғи тикланди. Зеро, ёши улуғ инсонлар ён-атрофидагиларнинг меҳр-оқибатидан хурсанд бўлишида ҳаётий ҳикмат кўп.

**Феруз ЖЎРАЕВ,**
**«Adolat» мухбири**

# БИЗ ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИМИЗ

### ВАТАН КЕЛАЖАГИ ЁШЛАР ҚЎЛИДА

**Ўзбекистон "Адолат" СДП Чироқчи туман Кенгаши ва "Камолот" ЁИҲ ҳамкорлигида тумандаги 15-сонли мусиқа ва санъат мактабида "Юксак маънавиятли ёшлар Ватан таянчидир" мавзусида тадбир бўлиб ўтди. Партиянинг "Ватан келажаги ёшлар қўлида" лойиҳаси доирасида уюштирилган тадбирда маҳаллий Кенгаш депутатлари, ўрта махсус таълим муассасалари раҳбар ва ўқитувчилари, тиббиёт ходимлари, маҳалла аҳли, партия фаоллари, ёшлар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.**

# Баркамол авлод

## истиқболи йўлида

Туман партия кенгаши раиси, халқ депутатлари туман Кенгаши депутати Эркин Жуманов ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, уларни "оммавий маданият" хуружидан асрашда нафақат ота-оналар, таълим муассасалари, балки ҳар бир фуқаро масъул эканлигини алоҳида таъкидлади.

— Ёшларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш мақсадида ҳамкор идоралар билан биргаликда мактаб, коллеж, маҳаллалар, тиббиёт муассасаларида "Оилада маънавий муҳитни шакллантириш", "Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда нодавлат ташкилотларининг роли", "Гиёҳвандлик — иллат", "Она ва бола саломатлиги — келажак гарови" каби мавзуларда тадбирлар ташкил этиб келаяпмиз, — деди Эркин Жуманов, — Бундай тадбирлар ёшларда мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларга нисбатан дахлдорлик ҳиссини кучайтиришга хизмат қилмоқда. Жорий йилнинг ўтган ойларида жойларда 20 дан ортиқ сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий тадбирлар ўтказилиб, унда тўрт минг нафардан кўпроқ ёшлар иштирок этганини таъкидлаш жоиз. Партия фаоллари ёшларни мустақиллик ғояларига садоқат, Ватанга муҳаббат руҳида билимдон, етук ва баркамол қилиб тарбиялашга жиддий масъулият билан қарамоқда.

— Бугунги кунда янгидан-янги замонавий ўқув даргоҳлари ёшлар ихтиёрида, навқирон авлоднинг интеллектуал салоҳиятли, билимдон, комил инсонлар бўлиб вояга етишлари учун юртимизда барча шарт-шароитлар мавжуд, — деди тадбирда сўзга чиққан халқ депутатлари туман Кенгаши депутати Ўрол Холиёров. — Туманимиз аҳлининг қарийб 54 фоизини ёшлар ташкил этади. Айни пайтда туманда фаолият юритаётган 178 та умумтаълим мактаби ва 17 та касб-ҳунар коллежи ҳамда филиалларида ўқувчиларга замон талабларига мос равишда таълим берилмоқда. Туман партия кенгаши фаоллари саъй-ҳаракати билан ўтган ойнинг ўзида 10 нафардан зиёд ёшлар "Баркамол авлод" маркази, Чироқчи олимпия захиралари спорт коллежи, қишлоқ хўжалик коллежи, халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими, "Ҳумо" МФЙ ва 27-сонли умумтаълим мактаби, ҚВПлар ҳамкорлигида ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этилди.

Шунингдек, тадбирда сўзга чиққан маҳаллий Кенгаш депутати Суяр Махмарасулов, "Ёш адолатчилар" қаноти етакчиси Феруза Исмоилова, "Камолот" ЁИҲ мутахассиси Аброр Умаров, партия фаоллари Ғафур Очилов, Турғун Тўйчиев, Феруза Бойқобиловалар ҳам партия ташкилотларининг ёшлар билан ишлаш ва уларни сиёсий жиҳатдан етук қилиб тарбиялаш борасидаги фаолиятини такомиллаштириш долзарб масалалардан эканлигини алоҳида қайд этдилар. Партия ходимлари сафида фаол ва ташаббускор ёшларни кўпайтириш, навқирон авлоднинг куч-ғайрати, шижоати, замон билан ҳамнафас ҳаракат қилиш хусусиятларидан самарали фойдаланиш лозимлигига эътибор қаратдилар.

Тадбирда "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури ижросини таъминлашдаги вазифалар, коллеж битирувчиларини ишга жойлаштириш масаласини самарали ҳал этиб боришда таълим муассасалари ва оилалар ҳамкорлигининг ўзига хос жиҳатларига ҳам эътибор қаратилди.

**Комил САХАТОВ,**
**"Adolat" мухбири**

# ИНТЕРНЕТДАН ФОЙДАЛАНИШ

## онгли ёндашувни талаб этади

**Янгиер педагогика коллежида Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг "Ватан келажаги ёшлар қўлида" лойиҳаси доирасида "Интернет маданияти ва ахборот хавфсизлиги муҳим вазифамиздир" мавзусида тадбир бўлиб ўтди.**



Тадбирни Янгиер шаҳар партия кенгаши раиси Нодира Дўстматова кириш сўзи билан очар экан, бугунги кунда жамиятимизда интернетнинг тутган ўрни, ундан фойдаланиш маданияти, тобора тезлашиб бораётган ахборот оламида ёшларни турли таҳдид ва бузғунчи ғоялар таъсиридан асрабавайлаш, навқирон авлоднинг маънавий тарбияси ҳақида тўхталиб ўтди. Коллеж хотин-қизлар қўмитаси раиси Раъно Донаева ижтимоий сайтларнинг аҳамияти, фойдали ва зарарли жиҳатлари, сайтлардан фойдаланишда ёшлар ўз маънавиятига бепарво ва лоқайд бўлмаслиги, ахборотларни саралаш кўникмасига эга бўлиши зарурлиги каби масалаларда фикрларини баён қилди.

— Ҳозирги давр ҳаммамиздан огоҳликни, ҳушёрликни талаб этади. Бугун компьютер мўъжиза ҳисобланмай қолди. Кимдир ундан билим ва маънавиятга етакловчи восита сифатида, яна кимлардир енгил-елпи қарашлар билан, қай бир кимсалар эса ғаразли мақсадларда фойдаланади, — дейди коллеж ўқувчиси Холида Умрзоқулова, — Демак, маърифатли, оқ ва қорани ажрата олувчи, тафаккури кенг инсонлар сира адашмайдилар. Партия томонидан ўтказилган тадбирда қатнашиб ўзимизга тўғри хулосалар чиқариб олдик.

— Йўлда бирор шиша синиғи ёки чуқурлик чиқиб қолса, дарҳол четлаб ўтамиз. Террористик гуруҳларнинг жиноятлари акс этган фильмларни кўрганимизда ўйламай-нетмай зарарли таъсирлар оқимига тушиб қолган айрим тенгқурларимизнинг огоҳликни бой бериб, алданганидан афсусланади, киши. Бўш вақтларини асосан интернет кафеларда ўтказадиган ёки қўл телефони орқали соатлаб интернетдаги турли мавзудаги кераксиз сайтларга боғланиб ўтирадиганлар, аввало, ўз соғлиғига ва маънавиятига зарар етказаётганини кеч бўлмасидан тушуниши шарт, — дейди "Ёш адолатчилар" қаноти аъзоси Шаҳноза Суярова.

Янгиер қурилиш ва коммунал хўжалик касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси, халқ депутатлари Янгиер шаҳар Кенгаши депутати Ўткир Файзиев ўз сўзида келажагимиз эртаси бўлган ёшларимиз онгига турли ахборот хуружлари, вайронкор ғоялар таҳдид солмаслиги учун уларни тўғри йўлга йўналтириш ота-оналар, ўқитувчилар билан бирга кенг жамоатчиликнинг вазифаси эканига эътибор қаратди. Таъкидланганидек, интернетдан фойдаланиш маданиятини шакллантириш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш билан ёшларни ёт ва зарарли ғоялар таъсиридан ҳимоя қила оламиз.

**Шуҳратжон ҲАСАНОВ,**
**Сирдарё вилоят кенгаши матбуот котиби**

# ФИКРЛАШДАН ЧАЛҒИТУВЧИ ВОСИТА

## унда қандай манфаатлар борлигини унутманг

### ТАДБИР

**Ўз фикрига эга, ҳар қачон ўйлаб иш тутадиган инсонни чалғитиб бўлмайди. Бугунги кунда одам савдоси, терроризм, гиёҳвандлик каби глобал муаммоларни дунёга кенг тарқатаётган, бундан геосиёсий ва бошқа шахсий манфаатларни кўзлаган айрим кимсалар айнан ёшларни ўз тузоғига илинтиришга ҳаракат қиладилар.**

"Оммавий маданият" таъсирида ёшларни фикрлашдан чалғитишга уриниш замирида ҳам шу каби мақсадлар кўзланади. Айрим ёшларимизнинг шундай алдовларга чув тушиш ҳолатлари учраб қолаётгани афсусланарлидир.

Шу боис бундай салбий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида тарғибот-ташвиқот тадбирларининг таъсирчанлиги, самарасини ошириш мутасадди ташкилотлар ўртасида ҳамкорликни янада кучайтириш, кенг жамоатчилик билан яқин алоқада ишлашни тақозо этади.

Бахмал туманидаги компьютер технологиялари касб-ҳунар коллежида Ўзбекистон "Адолат" СДП туман кенгаши ташаббуси билан "Биз вайронкор ғояларга қаршимиз!" мавзусида ташкил килинган учрашувда ҳам ана шулар ҳақида сўз юритилди.

Тадбирда сўзга чиққан халқ депутатлари туман Кенгаши депутати Умид Гулмуродов ёшларимиз қалбида ватанпарварлик, яхшилик, эзгулик, адолат, меҳнатсеварлик туйғуларини шакллантириш орқали уларнинг маънавий дунёқарашини янада бойитиш, ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бандлигини таъминлаш, ёшларнинг тадбиркорлик билан шуғулланишларига кўмаклашиш, китобхонликни тарғиб этиш хусусида батафсил тўхталди.

Учрашувда ўқувчиларнинг саволларига мутахассислар жавоб беришди.

**Акбар МИРЗАҚОБИЛОВ,**
**Ўзбекистон "Адолат" СДП Бахмал туман кенгаши раиси**

# ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР

## тараққиётга хизмат қилмоқда

### ПАРТИЯДОШИМИЗ ЮТУҒИ

**Илм-фан ютуқлари, илғор ишланмалар ва инновацион технологияларни амалиётга татбиқ этиш ва ривожлантиришда самарали ташкил этиб келинаётган ярмарка ва турли кўргазмалар алоҳида аҳамият касб этмоқда.**



Хусусан, жорий йилнинг 10-13 май кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилган IX инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркаси бу борада яна бир муҳим қадам бўлди. Мазкур тадбирда андижонлик "ёш адолатчи"лар ҳам фаол иштирок этишди. Улар томонидан кўргазмага қўйилган лойиҳаларнинг юқори баҳоланганлиги қувонарли, албатта.

Жумладан, ёш сафдошимиз Ойбек Умаров энг фаол иштирокчилардан бири сифатида эътироф этилди. У ясаган "Қалдирғоч" деб номланган электромобилъ электр энергиядан қувват олиб ҳаракатланади. Тўла қувват олганда 100 километр масофани босиб ўтиш имкониятига эга. Бунинг учун атиги 0.5 кВт электр энергияси сарфланади. Икки ўриндиқли бу электромобилнинг максимал тезлиги соатига 50 километрни ташкил этади. Ойбек Умаровнинг "Қалдирғоч" билан бирга тақдим этган яна бир янги электромобили ҳам қуёш нуридан қувват олиб ҳаракатланади. Яъни қуёш панели етказиб берган энергияни двигатель механик кучга айлантириб беради. Очиқ ҳавода қайта қувватлана олиши ихтиронинг ўзига хос жиҳатидир. Ихтирочи бу лойиҳанинг яратилишига вилоят ҳокими ва бир қатор ташкилотлар яқиндан ёрдам берганлигини алоҳида таъкидлайди.

Ойбекнинг ишланмалари мутахассисларда қизиқиш уйғотди. Ишлаб чиқарувчилар унинг ишланмаларини шу йил охирига қадар амалиётда қўллашга келишиб олишди.

— Ярмаркада ишланмаларим юқори баҳоланиб, диплом ва пул мукофоти билан тақдирландим. Энг асосийси, тенгдошларимдан кўп нарсаларни ўргандим, — дейди О.Умаров. — Айникса, масофада туриб қувват олиб ишловчи электромобиль, қуёш нуридан озиқланувчи, дала шароитида фойдаланиладиган ошхона қурилмаси бизга жуда ёқди. Ҳозирда мен Андижон машинасозлик институтида кичик тадқиқотчи сифатида иш олиб бориш билан бир вақтда янги лойиҳалар устида ишлаяпман. Таклифларим институт олимлари томонидан қўллаб-қувватланаётганидан хурсандман.

Шуни қайд этиш жоизки, бугунги кунда ихтирочилар томонидан яратилаётган замонавий технологияларнинг ишлаб чиқаришга татбиқ этилиши импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп маҳсулотлар яратилишига хизмат қилмоқда. Бу борада ёшларнинг ташаббуслари соҳа ривожида катта аҳамият касб этмоқда. Қувонарлиси, партиямизнинг замонавий инновацион ва юқори технологияларни жорий этишга доир дастурий ғоялари амалда ўз ифодасини топмоқда.

**Акбаржон НАЗАРОВ,**
**"Adolat" мухбири**

Рустамжон ЭШОНОВ олган сурат.

# ХОРАЗМНИНГ ТЕМИР ТУЛПОРЛАРИ

Давоми. Бошланиши 1-бетда

Тарихи олис ўтмиш билан боғланган Ҳазорасп бугунги кунда Хоразм вилоятининг энг катта ва аҳолиси кўп туманларидан бири саналади. Унинг жойлашган ўрни вилоят умумий ҳудудининг учдан бир қисмини ташкил этади, аҳолиси эса салкам 250 минг кишидан иборат. Шу боис истиқлол йилларида Президентимиз ва республика ҳукумати Ҳазораспнинг қадимий тарихини тиклаш, туман иқтисодиётини ривожлантириш, уни миллий ва замонавий шаҳарсозлик анъаналари асосида бунёд этиш, аҳолини иш ўринлари билан таъминлаш, саноатини тараққий эттириш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратди. Ана шу эътибор натижаси ўлароқ шаҳар бағридаги қадимий ёдгорлик — Ҳазорасп қалъаси деворларини асл тарихий кўринишига монанд қайта қуриш ва таъмирлашга киришилди. Туман ҳудудида нафақат мамлакатимизда, балки Марказий Осиёда ягона бўлган шакар ишлаб чиқариш заводи барпо этилиб, ишга туширилди. Ҳазорасп шаҳрида янги тўқимачилик фабрикаси фаолият юритмоқда. Темир йўл ётқизилган ва автомобиллар узлуксиз қатнови учун хизмат қиладиган Амударё устига қурилган 681 метрлик кўприк ҳам бир томондан Ҳазорасп тумани ҳудудида жойлашган. Бу кўприк ва йўллар қурилиши натижасида туманда қанча обод қишлоқлар пайдо бўлди, янги корхоналар, иншоотлар, посёлкалар барпо этилди. Туман коммуникация тармоқлари, инфратузилмаси яхшиланди. Ҳазорасп шаҳрида эса миллий ва замонавий шаҳарсозлик асосида гўзал иморатлар, коллежлар, лицейлар бинолари қад ростлади.

Кейинги йилларда Хоразм вилоятида ва Ҳазорасп туманида саноат соҳасини юксалтириш мақсадида яна бир улуғвор иш амалга оширилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 22 ноябрдаги "2013-2015 йилларда Хоразм вилоятининг саноат салоҳиятини ривожлантириш дастури тўғрисида"ги 1856-сонли қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 21 февралдаги "Хоразм вилоятида "Дамас" русумли енгил автомобилларни ишлаб чиқаришни ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 51-сонли қарорига мувофиқ вилоятда "Дамас" русумидаги енгил автомобилларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш вазифаси белгиланди.

Бундай автомобилларни ишлаб чиқарадиган корхона қуриш учун Ҳазорасп туманидан, туман марказидан жануб томонда жойлашган, бир томони Амударё соҳилларига яқин, иккинчи томони Питнак шаҳрига туташ нуқтадаги "Хоразм автомобиль ишлаб чиқариш бирлашмаси" масъулияти чекланган жамиятига қарашли бинолар ва жойлар танланди.

Бу ерда корхонани барпо этиш, қурилиш монтаж ишлари учун икки босқичдан иборат лойиҳа ишлаб чиқилди. Лойиҳанинг биринчи босқичида корхонанинг дастлабки иш фаолиятида ниҳоятда муҳим бўлган йиғув цехига мўлжалланган бино, муҳандислик коммуникациялари, маъмурий бино, контейнерлар майдони, эҳтиёт қисмлар омбори ва марказий юклаш майдони каби иншоотлар таъмирланиб, қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди. Лойиҳа бўйича бу ишларни амалга ошириш 2014 йилнинг март ойигача белгиланган эди. Амалда эса корхона биноларини қуриш ишларининг биринчи босқичи 2014 йилнинг февраль ойида якунланди. Натижада ўша йилнинг 10 февраль куни, яъни орадан бир йил ўтар-ўтмас "Дамас" енгил автомобилларини оммавий йиғишни амалга ошириш бўйича "Женерал моторс" компаниясидан розилик олинди. Шу кундан бошлаб оммавий йиғув ишлари йўлга қўйилди. Орадан бир кун ўтиб, 2014 йилнинг 11 февралида бу ерда ишлаб чиқарилаётган "Дамас" русумли (Uz.SMT. 01227.1579429) ва "Орландо" русумли (Uz.SMT.01227.1617709) автомобилларга мувофиқлик сертификатлари берилди. "Шевролет Орландо" русумли автомобилларни йиғув ишлари эса шу йили 7 мартдан бошланди.

Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган лойиҳани амалга ошириш жадвалига кўра, бўёқлаш ва пайвандлаш цехларини қуриб, фойдаланишга топшириш муддати 2014 йилнинг ноябрь ойи деб белгиланган бўлса ҳам, бу ишлар муддатидан олдин, ўша йилнинг сентябрь ойида якунига етди. Лойиҳанинг иккинчи босқичи доирасида белгиланган ишлар, яъни соатига 8 та кузов бўяш қувватига эга бўлган янги бўёқлаш цехида, шунингдек, пайвандлаш цехида қурилиш-монтаж ишлари 2014 йилнинг август ойида ниҳояланди. Шундан сўнг, мазкур цехларга технологик жиҳозлар ўрнатиш, уларни синовдан ўтказиш ишлари амалга оширилди. Синовлар муваффақиятли кечди. Ниҳоят, 2014 йилнинг 2 сентябрида "Женерал моторс" компанияси корхонага "Дамас" енгил автомобилларини оммавий ишлаб чиқариш учун расман рухсат берди. Шундай қилиб, мамлакатимизда яна бир автомобилсозлик корхонаси — "Женерал моторс — Ўзбекистон" акциядорлик жамиятининг Хоразм вилоят филиали — "Хоразм авто" заводи пайдо бўлади.

Бу ўринда ушбу янги заводнинг қурилиши ва дастлабки фаолиятига оид маълумотларни ойма-ой, санама-сана келтираётганимиз бежиз эмас. Эътибор беринг, бу заводни барпо этиш ҳақида Президентимиз ва республика ҳукумати қарорлари чиққанидан кейин қисқа муддат ичида, яъни бир йил ўтар-ўтмас корхона қурилиши ниҳоясига етиб, енгил автомобилларни йиғиш ишлари бошланади. Яна орадан ярим йил ўтгач эса, бу ерда автомобилларни ишлаб чиқаришга киришилади. Тасаввур қилинг, мамлакатимиз автомобилсозлик саноатида фаолиятини энди бошлаган, бу соҳада бор-йўғи 19 йиллик тажрибага эга давлат ҳисобланади. Лекин шунга қарамай бир ярим йил ичида янги автомобиль заводи барпо этилиб, ишга туширилиши нафақат мамлакатимиз миқёсида, балки дунё автоиндустриясида ҳам ҳайратомуз воқеа саналади. "Хоразм авто" нинг мўъжизаларидан бири ҳам ана шу билан белгиланади.

— 2014 йилнинг 1 сентябри заводимиз тарихига қўшалоқ байрам сифатида муҳрланди. Мамлакатимиз мустақиллигининг 23 йиллиги байрамига заводимиз конвейеридан биринчи сонли енгил автомобилни тайёрлаб чиқардик, — дейди заводнинг бошқарувчи директори Собир Жуманиёзов. — Корхонамиз ишчи-хизматчиларининг ўша пайтдаги ҳис-ҳаяжонларини, қувончларини тасаввурингизга сиғдира олмайсиз. Ахир ҳазил гапми, Хоразмнинг биринчи автомашинаси — ўзига хос мўъжизаси яратилди. Қанча орзу-ниятлар ушалди. Биз ўша, 2014 йилда вақтдан ўзиб яшашга, ишлашга интилдик. Завод муддатидан илгари қуриб бўлинди. Натижада шу йили режада белгиланган 19687 дона "Дамас" русумли енгил автомобиллар ўрнига 20790 та машина ишлаб чиқардик. "Орландо" русумли автомобиллардан эса 1500 тасини йиғдик. Буларнинг ҳаммаси келажак фаолиятимизга ишонч туғдирди. Бизлар Хоразмнинг биринчи автомобилсозларига айландик.

Завод ҳудудининг умумий майдони 40100 квадрат метр бўлиб, шундан 16200 квадрат метри ишлаб чиқариш цехларига, 4280 квадрат метри эҳтиёт қисмлар омборхоналарига, 1800 квадрат метри маъмурий биноларга, 8400 квадрат метри логистика майдонига, 1739 квадрат метри коммунал хизматларига, 1200 квадрат метри тайёр автомобилларни синаш учун мўлжалланган автотрекка, 3312 квадрат метри транспорт бўлинмасига ажратилган. Булардан ташқари, корхонанинг келгусида янада ривожланиши ва кенгайиши учун 50 минг квадрат метр ер майдони захира сифатида берилган.

Заводга кириб борар экансиз, муҳташам иншоотларга кўзингиз тушади. Маъмурий бинолардан тортиб цехларгача, омборлардан то автотрек, логистика майдонларигача ниҳоятда чиройли қурилган. Корхона атрофи ва ичкарисидаги иншоотлар, бинолар оралиқлари, йўллар, йўлаклар четларида яшилликка бурканган кўкаламзор масканлар, улар бағрида турфа хил дарахтлар кўзга ташланади. Заводда ўзига хос эколандшафт тизими яратилган. Умуман, бу ердаги кўркамлик, гўзаллик, ободлик, ораcталик ва тозаликка, тартиб-интизомга ҳавасингиз келади. Бундан 30-35 йиллар илгари бирор завод ёки фабрикага йўлингиз тушса, у ердаги доғ-дуғлардан, очилиб-сочилиб ётадиган техник ускуналар, бесаранжом-бесаришталикдан корхона ўзи шундай бўлса керак, деган фикрга борардингиз.

Бу завод эса янги замон корхонасининг қиёфасини намоён этиб, кўнглингизда ҳавас уйғотади. Завод цехлари ҳам ниҳоятда тоза, саранжом-саришта, гўё бу ерда автомобиллар эмас, тиббиёт учун дори-дармонлар ишлаб чиқарилаётгандек таассурот қолдиради. Бир хил кийинган ишчилар, бир маромда ишлаётган техник воситалар, машиналарнинг изма-из пайдо бўлаётган эҳтиёт қисмлари, соатига 8 тадан сафланиб чиқаётган янги автомобиллар — барча-барчасида ўзига хос бунёдкорлик сеҳри, жозибаси бор. Бундай гўзаллик, ободлик, бунёдкорлик бағрида ҳам инсонни ўзига мафтун этадиган мўъжиза туғилади. Бу ушбу завод фаолиятида ҳам ўз ифодасини топган.

— "Хоразм авто" заводига ишга кирганимда бундай кўркам, обод жойларда, чиройли ва замонавий цехларда ишлайман, деб ўйламагандим. Завод бизни янгича яшашга, янгича ишлашга, янгича фикрлашга ўргатди, — дейди ишчи Жасур Исмоилов. — Биз ишлаб чиқараётган маҳсулотларимиз — автомобиллар халқимиз кўрига яраётганидан хурсандмиз. Баъзан ўйлаб қоламан. Агар бу ерда автомобиль заводи ишга туширилмағанда нима қилардим? Ҳамкасбларим, дўстларимнинг аҳволи не кечарди? Шу сабабли биз ёшларга барча имкониятларни яратиб бераётгани, мана шундай замонавий корхоналарни барпо қилдираётгани учун Президентимизга миннатдорлик билдирамиз. Бу завод бизнинг фахримиз, ғуруримиз, ифтихоримиз бўлиб қолади.

Заводга ишга қабул қилиш масаласига ҳам ниҳоятда жиддий эътибор берилди. Бунда маҳаллий аҳоли вакиллари бўлган ёшларни ишга жалб этиш асосий мақсад қилиб қўйилди. Шундай ҳам бўлди. Корхона фаолиятини бошлаган дастлабки босқичда 643 нафар йигит-қизлар танлов асосида ишга қабул қилинди. Заводда ишлаб чиқариш ҳажми ошгандан кейин иш ўринлари ҳам кўпайди. Эндиликда бу ерда 1600 нафар ишчи-ходимлар фаолият юритмоқда. Уларнинг барчаси маҳаллий аҳоли вакиллари орасидан танлаб олинди. Корхонада ишлаб чиқаришга юксак технологиялар жалб қилингани сабабли ишчи-ходимлар тайёрлаш ва улар малакасини ошириш масаласига алоҳида эътибор берилмоқда. Шу пайтгача ишчилардан 655 нафари Асака шаҳридаги автомобиль ишлаб чиқариш заводида, 37 нафари эса Тошкент шаҳрида малака оширишди. Шу билан бирга, бўёқлаш цехидан 8 ишчи Индонезия Республикасида, пайвандлаш цехидан 10 ишчи Жанубий Корея Республикасида ўз соҳалари бўйича тажриба орттириб қайтишди. Бундай ишлар келгусида ҳам давом этади.

Айни пайтда, "Женерал моторс — Ўзбекистон" АЖ Хоразм вилояти филиали учун малакали етук ёш кадрлар тайёрлаб беришга ҳам замин ҳозирланди. Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 4 июндаги 142-сонли қарори билан Ҳазорасп туман агросаноат касб-ҳунар коллежи Питнак транспорт касб-ҳунар коллежига айлантирилди. Ўтган йили корхонада яна бир жиддий иш амалга оширилди. Ҳазорасп тумани ва Питнак шаҳридаги 7 та касб-ҳунар коллежлари битирувчилари орасидан 241 ўқувчи Асака шаҳрида, 133 ўқувчи эса "Хоразм авто" заводининг ўзида юқори малакали мутахассислар қўл остида ишлаб чиқариш амалиёти даврида автомобилсозлик сир-асрорларини ўргандилар. Натижада улар заводнинг ишчиларига айланишди. Бугун коллеж битирувчиларининг 123 нафари бўёқлаш, 138 нафари пайвандлаш, 113 нафари йиғув цехларида фаолият юритмоқда.

Завод фаолият бошлаши билан бир вақтда бу ерда унга бутловчи қисмларни етказиб берувчи бешта қўшма корхона — ЎзТонгХонг, ЎзДонгЯнг, ЎзКорам, ЎзДонгВон, ЎзСемЮнгнинг филиаллари ҳам ташкил этилди. Бу корхоналар филиалларида ҳам 600 га яқин янги иш ўринлари яратилди. Бундан ташқари, саноатни маҳаллийлаштириш дастурига асосан 8 та тадбиркорлик субъектлари заводга эҳтиёт қисмлар етказиб бериш бўйича иш олиб бормоқда. Бир сўз билан айтганда, бугунга келиб, "Хоразм авто" вилоятда саноатнинг етакчи тармоқларидан бирига айланиб улгурди. Хоразмлик, ҳазорасплик ёшлар эса завод бағрида етук автомобилсозлар сифатида танилмоқдалар. Бу ҳам корхонанинг яна бир мўъжизаси ҳисобланади.

— Бугунги кунда 70-80 ёшни қоралаган биз каби кексалар бир пайтлари енгил машина сотиб олишни, минишни орзу қилардик. Ким машина сотиб олса, ўшанга ҳавас билан қарардик, — дейди гурланлик меҳнат фахрийси Амин Вапоев. — Не бахтки, фарзандларимиз, невараларимиз бизлар минадиган машиналарни ўзлари ишлаб чиқарадиган даражага эришдилар. Завод халқимизнинг орзу-умидларини ушалтирган мўъжизага айланди. Ахир бир пайтлари темирчи усталар, чилангарлар, дегрезлар ишига ҳайрат билан қараган халқнинг фарзандлари эндиликда ниҳоятда мураккаб технологияларга асосланган автомобилларни ишлаб чиқараётгани ҳақиқий мўъжиза, ҳайратомуз воқеа эмасми?!

Завод ишчи-хизматчиларини ижтимоий ҳимоялаш ишларига ҳам алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Уларнинг ишга келиб-кетишлари учун транспорт ажратилган. Иш пайтида махсус кийим-бош ва иссиқ овқат билан таъминланадилар. Барча байрамларда моддий ёрдам билан рағбатлантирилади. Шу билан бирга, заводда ишчиларни ўзига хос мукофотлаш тизими ҳам ишлаб чиқилган. Яъни, агар корхонада ёки цехда ишлаб чиқариш режаси бажарилганда ҳар бир ишчига ойлик маошининг 10 фоизи, сифат кўрсаткичлари яхшиланганда 10 фоизи, ишлаб чиқарилаётган автомобилларнинг хавфсизлик даражаси таъминланганда 10 фоизи, глобал ишлаб чиқариш тизими талаблари бажарилганида 5 фоизи, жами 35 фоиз мукофот пуллари қўшиб берилади. Бу эса ишчиларни рағбатлантириш асосида автомобилларни кўплаб ишлаб чиқариш, иш сифатини яхшилаш, самарадорлигини ошириш ва бошқа жабҳаларда ютуқларга эришишга имкон яратмоқда. Корхона ана шу асосда ютуқларга эришмоқда. Шунинг учун "Женерал моторс — Ўзбекистон" АЖ Хоразм вилояти филиали Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерациясининг "Меҳнат муҳофазаси бўйича жамоат назоратини энг яхши ташкил этиш юзасидан республика кўрик-танлови"да ишлаб чиқариш соҳасидаги "Энг яхши корхона" номинацияси бўйича ғолиб, деб топилди. Бу ғолиблик осонлик билан қўлга киритилмади. Бунинг асосида хоразмлик автомобилсозларнинг фидойи меҳнатлари ётибди.

Заводда иш қизғин давом этмоқда. Унинг ишлаб чиқариш қуввати биринчи босқичда йилига 20 минг дона автомобиль тайёрлаш, деб белгиланган эди. Бу режа тўла амалга ошди. Иккинчи босқичда тайёрланадиган автомобиллар сони 40 мингта деб режалаштирилган. Бу режа ҳам ортиғи билан амалга ошиши шубҳасиз. Негаки, 2015 йилнинг ўзида заводда "Дамас" русумли енгил автомобиллар режадаги 25177 та ўрнига 27804 та тайёрланди. "Орландо" русумли автомобиллар эса 1499 дона ишлаб чиқарилди. Шу билан бирга, 2015 йилда июнь ойидан бошлаб корхонада "Лабо" русумли кичик юк машинаси ишлаб чиқариш йўлга қўйиб, йил охирига қадар бу русумдаги автомобиллардан 1418 таси тайёрланди.

Шундай қилиб, хоразмлик автомобилсозлар ўтган йилнинг ўзида 30721 та автомобиль ишлаб чиқаришга эришдилар. Фаолият бошлаганига икки йилдан энди ошган "Хоразм авто" заводининг бу кўрсаткичларини ва шу вақт ичида 3 та русумли автомобиль ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга эришганини мўъжизавий муваффақиятлар, дейиш мумкин. Президентимиз мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида Хоразм вилоятида "Женерал моторс — Ўзбекистон" акциядорлик жамияти филиалида умумий қиймати қарийб 6 миллион долларлик лойиҳа асосида "Шевроле Лабо" кичик юк машинаси ишлаб чиқариш йўлга қўйилди, бу ерда йилига фермерларимиз ва хусусий тадбиркорларимиз учун жуда зарур бўлган 5 мингта ана шундай машина ишлаб чиқарилади, ушбу модель янги "Хоразм авто" заводида тайёрланаётган "Дамас" ва "Орландо" автомобилларидан кейинги учинчи турдаги автомобиль бўлди, деб қилинган ишларга юксак баҳо берган эди.

Яқинда матбуот саҳифаларидан бирида Хоразм вилоятининг саноат соҳасида эришган ютуқлари ҳақидаги маълумот билан танишдим. Унда, жумладан, бундай дейилади: "Вилоятда 2012 йилда аҳоли жон бошига тўғри келадиган саноат маҳсулотлари ҳажми 508 минг сўмни ташкил этган эди, 2015 йилда бу кўрсаткич 1 миллион 358 минг сўмга етди". Вилоятда 3 йил ичида саноат тараққиёти салкам 3 бараварга ўсиши негизида, табиийки, воҳадаги бошқа саноат корхоналари билан биргаликда "Хоразм авто" заводининг ҳам муносиб улуши бор. Завод эндиликда нафақат Хоразм вилояти саноати тараққиётида, балки республика иқтисодиёти ривожида ҳам муносиб ўрин эгалламоқда, десак, хато бўлмайди.

Корхона жамоасининг келгусига мўлжалланган орзу-умидлари, ниятлари катта. Заводнинг ишлаб чиқариш қувватини ошириш билан бирга бу ерда ишчи-ходимлар учун спорт, соғломлаштириш, дам олиш мажмуалари барпо этиш, истироҳат боғлари, кўнгилочар масканлар, болалар оромгоҳлари яратиш, автомобилсозлар шаҳарчасини бунёд этиш... Кўнгилларда ана шундай орзулар бир олам.

Улкан ишларни амалга ошираётган хоразмлик автомобилсозларнинг бу эзгу ниятлари ҳам ушалишига ишонамиз.

**Қадимий ривоятларга кўра, Ҳазорасп мингта учар отлар ўлкаси сифатида эътироф этилган. Бугунги кунда ҳам Ҳазорасп ўз тарихий номига муносиб бўлмоқда. У эндиликда бағрида "Хоразм авто" заводига эга, кўплаб от кучига эга бўлган турли русумдаги автомобилларни ишлаб чиқараётган, минглаб темир тулпорлар ўлкаси сифатида донг таратмоқда. Бир пайтлари Ҳазорасп учқур отлари — дулдуллари шарқ мамлакатларида улуғланган бўлса, бугунги Ҳазорасп темир тулпорлари билан Ўзбекистон номидан дунё йўлларини забт этмоқда. Мустақиллик туфайли юзага келган энг катта мўъжиза ҳам ана шундадир!**

**Камол МАТЁҚУБОВ,**
**"Adolat" мухбири**










# “ЯНГИОБОД” янада обод бўлади

## ➢ КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

**Амударё тумани маркази Манғит шаҳарчасининг “Янгиобод” маҳалласидаги 713 хонадонда жами 3598 нафар фуқаро истиқомат қилади. Шундан 2033 нафарини хотин-қизлар ташкил этади. Битта касб-ҳунар коллежи, битта академик лицей, 2 та умумтаълим мактаби, ҳаммаси бўлиб 28 та турли мақомдаги муассасалар, корхоналар, ташкилотлар жойлашган. Маҳаллада ўз ҳудудидаги 14 та кўча, боғ ва хиёбонлар, болалар ва спорт майдончалари, йўллар, йўлакларни ораста асраш, бу борада жамоатчилик назоратини кучайтириш, аҳолини аниқ манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесга кўмаклашишда ўзига хос тажриба мактаби яратилган.**

Яқинда мазкур маҳаллада фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайлови уюшқоқлик билан ўтказилди. Сайлов тўлалигича қонун талаблари асосида ташкил этилди. Ишчи гуруҳи фуқаролар вакилларининг йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаб, бу ҳақда тегишли ҳудудда яшовчи фуқароларни хабардор қилди, ҳовлилар, уйлар, кўчалар ҳамда шаҳарчалардаги, овуллардаги маҳаллалар аҳолисининг фуқаролар вакиллари сайлови бўйича умумий йиғилишларини юксак савияда ўтказди, тегишли ҳудудда доимий яшовчи фуқароларнинг фикрини ҳисобга олган ҳолда фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари лавозимига номзодлар бўйича таклифлар тайёрлади.

Фуқаролар вакиллари йиғилишида меҳнат фахрийси Б.Энаров сўзга чиқиб, маҳалла халқимизнинг ўзаро меҳр-оқибат, аҳиллик ва тотувлик каби қадриятларини мустаҳкамлайдиган, уни энг эзгу ишларга руҳлантирадиган, ажойиб урф-одатларимиз ва анъаналаримизни ривожлантирадиган, энг муҳими, ҳудуд ободлиги, фаровонлигини таъминлайдиган муқаддас маскан эканини алоҳида таъкидлади.



— “Янгиобод” соат сайин яшнаб, яшариб бораётган Манғит шаҳарчамизнинг рамзий кўзгуси ҳисобланади, — деди Бобожон ота. — Бу ерда жуда кўп муассасалар жойлашган. Бошқача айтганда, бизнинг маҳалла ҳаёти орқали бутун туманнинг томир уришини ҳис қилиш мумкин. Қолаверса, туман марказига келган меҳмон, энг аввало, бизнинг маҳалла билан танишади. Шунга кўра унинг ривожини янада юксак поғонага кўтариш лозим. Мен маҳалла фуқаролар йиғини раиси лавозимига таклиф этилган барча номзодларнинг таржимаи ҳоллари, дастурлари билан танишдим ва Зебо Ражабова номзодини танладим. Нега? Аввалимбор унинг ота-онаси ва келин бўлиб тушган хонадони соҳиблари элда катта обрў-эътиборга эга инсонлар. Турмуш ўртоғи тадбиркор. Фарзандларининг барчаси ўқимишли, эл юкини елкага олган азамат инсонлар. Ўзи университетни тугатган ўқитувчи. Туман газетасида, туман ҳокимлигида ишлади. Узоқ йиллардан буён мактабда ёш авлодга таълим бериб келади. Раис қилиб сайласак, қаерга борса ҳам маҳалла учун жон куйдира олади!

Меҳнат фахрийсининг жўяли таклифи барчага маъқул тушди. Бошқа сўзга чиққанлар ҳам номзоднинг намунали оилада камол топгани, илгаридан маҳалла фаолиятида жонбозлик кўрсатиб келаётгани, ҳудудда ўтказилаётган тадбирларда, ҳашар ва тантаналарни бамаслаҳат ўтказишда иштирок этаётгани, юксак маънавиятга эга инсон эканлигини таъкидладилар, барчани шу номзод учун овоз беришга чақирдилар. Кўпчилик овоз билан З.Ражабова Манғит шаҳарчасидаги “Янгиобод” маҳалла фуқаролар йиғинининг янги раиси этиб сайланди.

— Бизда жами 1 шаҳарча, 16 овул ва 30 маҳалла фуқаролар йиғинлари бор, — дейди туман ҳокимлиги ташкилий-назорат гуруҳи раҳбари, фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи туман комиссияси аъзоси Б.Болтабоев. — Шу кунгача 17 та фуқаролар йиғинларида сайловлар муваффақиятли ўтказилди. Ушбу сайловларда муқобиллик асосида кўрсатилган номзодлар орасидан фуқаролар йиғинларининг 17 нафар раиси ва уларнинг 166 нафар маслаҳатчилари сайланди. Сайлов ўтказилган фуқаролар йиғинларидаги йиғин раисларининг 9 нафари янгидан сайланган бўлса, 8 нафари илгари шу лавозимда ишлаб келаётган номзодлардир. Айниқса, “Янгиобод”, “Қумёп”, “Бештом” маҳалла фуқаролар йиғинларидаги сайловлар юксак даражада ўтди. Мазкур сайловлар чин маънодаги демократия дарсхонасига айланмоқда.

**Ҳаётбек ҚЎЧҚОРОВ,
“Adolat” мухбири**

## ➢ МАТБУОТ АНЖУМАНИ

**2016 йилда республикамизнинг қишлоқ ва туманларида умумий майдони 1823,7 минг кв. метрлик майдонда 13 мингта уй-жой барпо этилиб, уларнинг қарийб 8 512 таси “Қишлоқ қурилиш банк” АТБ иштирокида молиялаштирилади.**

# НАМУНАВИЙ ЛОЙИҲАЛАР АСОСИДА

## барпо этилажак уйлар сони 13 мингта бўлади

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида “Қишлоқ қурилиш банк” АТБ томонидан “Намунавий лойиҳалар асосида қишлоқ массивларида уй-жойлар қурилишига оид 2016 йилга белгиланган вазифаларнинг бажарилиши ҳамда маҳаллий қурилиш саноатини ривожлантиришда “Қишлоқ қурилиш банк”нинг ўрни” мавзуидаги матбуот анжуманида шу ҳақда сўз борди.

Қайд этилганидек, кейинги йилларда қишлоқ аҳолиси турмуш даражасини яхшилаш, уларнинг қиёфасини янгилаш мақсадида республикамизнинг чекка-чекка ҳудудларида сифатли, пухта уй-жойлар, ижтимоий объектлар барпо этиб келинмоқда. Хусусан, 2009-2015 йиллар мобайнида 1167 та янги қишлоқ массивларида 56 557 та намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар қурилган бўлиб, ушбу уй-жойларнинг 46 391 тасини молиялаштиришга “Қишлоқ қурилиш банк” АТБ бош-қош бўлган.

— Президентимизнинг 2016 йил 29 январдаги “2016 йил учун турар жой мавзеларини қуриш ва қишлоқ жойларида намунали лойиҳалар бўйича якка тартибдаги турар жойлар қурилиши индустриал базасини янада ривожлантириш ва маҳаллийлаштириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида”ги қарори бу борада амалга оширилаётган ишларни янги босқичга олиб чиқиш, қурилиш маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи маҳаллий корхона ва ташкилотларнинг амалдаги қувватларини ошириш ҳамда ихтисослаштирилган қўшимча қурилиш ташкилотларини барпо этишни янада қўллаб-қувватлашга замин яратди, — дейди банк бошқарув раиси биринчи ўринбосари Акбар Эшонқулов. — Бинобарин, уй-жойлар қурилишини асосий қурилиш маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш, уларнинг таннархи ошиб кетишига йўл қўймаслик мақсадида банкнинг имтиёзли кредитлари асосида республикамизнинг вилоят ва шаҳарларида умумий ишлаб чиқариш қуввати йилига 300 миллион дона ғиштни ташкил этувчи 12 та ғишт заводи, шунингдек, Тошкент шаҳрида қуввати йилига 1,7 миллион кв.м. бўлган металлочерепица ҳамда қуввати йилига 400 минг кв.м. бўлган ёғочни қайта ишлаш заводлари қурилиши ва реконструкция ишлари амалга оширилмоқда.

Шунингдек, анжуманда банк томонидан ижтимоий инфратузилма объектларини қуриш ҳамда таъмирлашни амалга оширадиган ихтисослаштирилган пудрат ташкилотларига кредит бериш ва лизинг хизматларини кўрсатиш ҳамда жисмоний ва юридик шахсларга комплекс тарзда банк хизматларини кўрсатиш юзасидан олиб борилаётган чора-тадбирлар юзасидан батафсил маълумот берилди.

**Азиза АЛИМОВА**

Reklama

**«Buxoro Best Realtor» масъулияти чекланган жамияти**

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Бухоро вилояти ҳудудий бошқармасининг 2016 йил 20 майдаги 102а-сонли буйруғи ҳамда Шофиркон туман ҳокимининг 2016 йил 11 апрелдаги 281-сонли қарорига асосан Шофиркон тумани Қалмоқон МФЙ, Наврўз кўчаси ҳудудидан якка тартибдаги уй-жой қуриш учун мўлжаллаган 400,0 кв.метрдан иборат 11 та (1,2,3,4,5,6,7,8,9,10,11-сонли) ер участкаларини мерос қилиб қолдириш шарти билан умрбод эгалик қилиш ҳуқуқлари қўйилмоқда.

*Ер майдонига бўлган ҳуқуқнинг ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 904 800 сўм.*

**Талабгорлар диққатига!**

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан савдоларда иштирок этиш учун белгиланган шаклдаги буюртманомалар аукцион ташкилотчиси томонидан расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача (13:00 дан 14:00 гача тушлик) Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси 12-уй манзили бўйича аукцион хабарномаси эълон қилинган кундан бошлаб қабул қилинади. Буюртманомаларни қабул қилиш охирги муддати 2016 йил 27 июнь куни соат 18:00 да тўхтатилади.

Аукцион савдолари 2016 йил 28 июнь куни соат 12:00 да Бухоро шаҳар Мустақиллик кўчаси 10-уй, 4 қаватнинг савдолар майдончасида бўлиб ўтади.

Мазкур ер участкалари 2016 йил 28 июнь куни ўтказиладиган очиқ аукцион савдосида сотилмаган тақдирда ер майдонларининг такрорий аукцион савдолари 2016 йилнинг 05,12,19 ва 27 июль кунлари соат 12:00 да ўтказилишини олдиндан маълум қиламиз.

Такрорий аукцион савдолари учун буюртманомаларни қабул қилиш аукцион савдосидан бир кун олдин соат 18:00 да тўхтатилади.

Аукцион ғолиби савдо ўтган кундан бошлаб 20 кун муддат ичида ерга бўлган ҳуқуқни тасарруф қилиш бўйича олди-сотди шартномасини тузиши ҳамда олди-сотди шартномасига асосан мулк учун тўловларни амалга ошириш юклатилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагида бўлган талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат пули тўғрисидаги келишув шартномасига асосан мулкнинг бошланғич баҳосининг 15 фоизи миқдоридаги закалат пулларини тўлашлари ҳамда жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, низом нусхаси, вакил иштирок этганда ишончнома тақдим этилиши сўралади.

Аукцион савдоларига қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорида закалат пулини савдо кунига қадар «BUXORO BEST REALTOR» масъулияти чекланган жамиятининг «Савдогар банк» Бухоро филиалидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт. Ҳ/р: 20208000900483347001, МФО 00112, СТИР 303086230.

*Қўшимча маълумотлар билан танишиш ва буюртманомаларни қабул қилиш манзили: Мустақиллик кўчаси 12-уй. тел: (0365) 221 54 43 www.realtor-company.uz.*

***Лицензия RL 0248***

# БОЛАЛАРГА БЕРИНГ ДУНЁНИ

## ➢ 1 ИЮНЬ — ХАЛҚАРО БОЛАЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ КУНИ

**Инсон умрининг кўрки ва мазмуни фарзанддир. Жажжи ва қалби беғубор болажонларни ардоқлаш, соғлом ўстириш, турли хуружлардан асраш, уларга таълим-тарбия бериш катталарнинг муқаддас бурчи ҳисобланади.**



Т.Истатов (ЎзА) олган сурат.

Ўзбек халқи азал-азалдан болажон. Юртимизнинг қайси бир гўшасига борманг, болаларга кўрсатилаётган ғамхўрликларнинг гувоҳи бўласиз. Фарзандлар кўзидаги қувончни кўриб, қалбингиз фахр ва ғурурга тўлади.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда болалар манфаатларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилди. Ёш авлодни жисмонан ва маънан соғлом қилиб вояга етказиш, фарзандларимизни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз, ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялашда, уларни турли мафкуравий хуружлардан ҳимоя қилишда ҳамда миллий қадриятларни ёш авлод онгига сингдиришда “Оила — маҳалла — таълим муассасаси” ҳамкорлиги муҳим омил бўлмоқда. Шунингдек, болаларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш учун қулай шарт-шароит яратиш, қизиқишлари бўйича тўғри йўналтириш, спортга жалб қилиш каби масалалар ҳам диққат марказида бўлмоқда.

Истиқлол йилларида Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари, хусусан, бола ҳуқуқларига оид бир қатор халқаро битимларга қўшилди. Жумладан, “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конвенция, “Болаларни омон асраш, ҳимоя қилиш ва камол топтиришни таъминлаш тўғрисида»ги умумжаҳон Декларациясининг ратификация қилинганлиги Ўзбекистонда болалар манфаатларини таъминлаш устувор аҳамиятга эга эканлигининг ёрқин далилидир.

Конституциямизнинг 64-моддасига мувофиқ “Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар. Давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди, болаларга бағишланган хайрия фаолиятларни рағбатлантиради”. Ўзбекистон Республикасининг “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги қонунида бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича давлат сиёсатининг асосий йўналишлари белгилаб қўйилган. Мазкур қонуннинг 11-моддасида боланинг ҳимояга бўлган ҳуқуқий кафолатлари ҳақида сўз юритилган бўлиб, унда ҳар бир болага унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органларининг фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларнинг қонунга хилоф қарорлари, мансабдор шахсларнинг ғайриқонуний ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади.

Соғлом она ва бола йилида ҳам болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, уларни уйғун камол топтиришнинг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлашга эътибор қаратилмоқда. Юртимизда йилларни номлашда келажагимиз бўлмиш болаларнинг манфаатини таъминлашга доир мақсадлар ўз ифодасини топган. Қатор йилларнинг “Оила йили”, “Аёллар йили”, “Соғлом авлод йили”, “Оналар ва болалар йили”, “Ёшлар йили”, “Баркамол авлод йили” деб номланиши ва шу муносабат билан қабул қилинган Давлат дастурларида, аввало, болалар ҳимояси, соғлом насл, оналарнинг репродуктив саломатлигини сақлаш, болалар ва ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилиш, болаларнинг соғлом туғилиши ва баркамол авлодни тарбиялаш масалалари ўрин олган.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тарқатган хабарда қайд этилишича, дунёда вафот этаётган болаларнинг ҳар учинчиси очлик қурбони бўлмоқда. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ушбу вазиятни янада кескинлаштирди. Натижада бугунги кунда сайёрамиз бўйича 200 миллион нафар бола сурункали тарзда тўйиб овқат истеъмол қилмайди.

Маълумотларга қараганда, ҳозир сайёрамизда 57 миллион нафар боланинг мактабда ўқиш имконияти йўқ, сифатсиз таълим туфайли 250 миллион нафар бола ўқиш ва ёзишни билмайди.

Болалар ҳамиша ҳимояга муҳтож. Бу муаммо, айниқса, бугун янада долзарб аҳамиятга касб этмоқда. Дунёнинг қайсидир нуқталарида нотинчликлар, қонли можаролар содир бўлаётган, қай ўлкаларда очарчилик ҳукм сураётган экан, болаларни асраб-авайлаш, вояга етказиш инсоният учун энг долзарб вазифа бўлиб қолаверади.

Ана шундай мураккаб даврда юртимиз фарзандларининг тинчлик-осойишталикда, бекиёс ғамхўрликлар оғушида униб-ўсаётганлиги, уларга барча шароитлар муҳайё эканлиги барчамизни чексиз қувонтиради.

1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни арафасида ўтказилаётган байрам тадбирларида ҳам ана шулар ҳақида алоҳида таъкидланмоқда.

Ўзбекистон “Адолат” СДП Қоровулбозор туман кенгаши фаоллари ва халқ депутатлари туман Кенгаши депутатлари томонидан 1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан “Жарқоқ” маҳалласидаги “Моҳигул” мактабгача таълим муассасасида “Барча шодлик сенга бўлсин” мавзусида тадбир ўтказилди.

Тадбирда болажонлар Ватанни мадҳ этувчи шеър ва қўшиқлар билан иштирок қилишди. Муассасада таълим олаётган болажонларга совғалар топширилди.

**Гуллола НОСИРОВА,
Ўзбекистон “Адолат” СДП Қоровулбозор туман кенгаши раиси**

E'lon

## Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати

### вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари аппаратларидаги қуйидаги бўш лавозимларга танлов эълон қилади:

**Ўзбекистон “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати:**
— Котибият мудири
— Партиявий ўқувларни ташкил этиш сектори мудири
— Бош ҳисобчи

**Ўзбекистон “Адолат” СДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши:**
— Чимбой туман кенгаши раиси

**Ўзбекистон “Адолат” СДП Андижон вилоят кенгаши:**
— Балиқчи туман кенгаши раиси

**Ўзбекистон “Адолат” СДП Бухоро вилоят кенгаши:**
— Бухоро вилоят кенгаши раиси ўринбосари
— Когон шаҳар кенгаши раиси
— Бухоро туман кенгаши раиси
— Ромитан туман кенгаши раиси
— Шофиркон туман кенгаши раиси
— Қоракўл туман кенгаши раиси
— Пешку туман кенгаши раиси

**Ўзбекистон “Адолат” СДП Қашқадарё вилоят кенгаши:**
— Муборак туман кенгаши раиси

**Ўзбекистон “Адолат” СДП Навоий вилоят кенгаши:**
— Хатирчи туман кенгаши раиси
— Навоий вилоят кенгаши раиси ўринбосари

**Ўзбекистон “Адолат” СДП Сирдарё вилоят кенгаши:**
— Гулистон туман кенгаши раиси
— Сардоба туман кенгаши раиси
— Сирдарё туман кенгаши раиси

**Ўзбекистон “Адолат” СДП Сурхондарё вилоят кенгаши:**
— Ангор туман кенгаши раиси
— Шеробод туман кенгаши раиси
— Олтинсой туман кенгаши раиси
— Қумқўрғон туман кенгаши раиси
— Узун туман кенгаши раиси

**Ўзбекистон “Адолат” СДП Тошкент шаҳар кенгаши:**
— Шайхонтоҳур туман кенгаши раиси
— Ёшлик талабалар шаҳарчаси кенгаши раиси

**Ўзбекистон “Адолат” СДП Фарғона вилоят кенгаши:**
— Данғара туман кенгаши раиси
— Риштон туман кенгаши раиси
— Қўқон шаҳар кенгаши раиси

**Ўзбекистон “Адолат” СДП Хоразм вилоят кенгаши:**
— Шовот туман кенгаши раиси

***Номзодлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак:***

*— Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлиши;*
*— бошқа сиёсий партияга аъзо бўлмаслик (туман ва шаҳар кенгаши раиси лавозимига тавсия этиладиган ходимлар учун Ўзбекистон “Адолат” СДПга аъзолик мажбурийдир);*
*— туман ва шаҳар кенгаши раиси лавозимига тавсия этилаётган номзодлар маълумоти олий, мутахассислиги бўйича маълумот ва камида уч йил иш стажига эга бўлиши, мамлакатдаги иқтисодий, ижтимоий ва демократик ислоҳотларнинг асосий устуворликларини, сиёсий партиялар фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик меъёрларини яхши билиши ҳамда ташкилотчилик ва етакчилик қобилиятига, жамоада ишлаш, ахборот-таҳлилий фаолият юритиш, омма олдида чиқиш кўникмаларига эга бўлиши;*
*— электрон ҳужжат алмашиш тизимида ишлаш асосларини билиш, персонал компьютерда ишлаш, интернет тармоғи, локал ва корпоратив тармоқлардан фойдалана олиши;*
*— юксак маданий ва маънавий етук бўлиши;*

Бунда етакчилик қобилиятига эга, ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаол иштирок этишга интилаётган, сиёсий, иқтисодий ва ҳуқуқий фанлар, ахборот-коммуникация технологиялари бўйича пухта билим эгаллаган олий ўқув юртлари битирувчилари бўлган ёш кадрларга афзаллик берилади.

***Талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:***

*— ариза;*
*— маълумотнома (расми билан белгиланган тартибда тўлдирилган бўлиши лозим);*
*— сўровнома (ўз қўли билан тўлдирилиши лозим);*
*— охирги иш жойидан тавсифнома;*
*— таржимаи ҳоли;*
*— 3х4 см ўлчамдаги рангли 4 расм;*
*— номзод тўғрисида фикрнома (уч кишидан);*
*— маълумоти тўғрисидаги диплом нусхаси;*
*— меҳнат дафтарчасидан нусха;*
*— малака оширган курслар бўйича сертификат ёки маълумотнома;*
*— паспорт нусхаси (яшаш жойи кўрсатилган варағи билан).*

**Ҳужжатлар қабул қилиш жойи:**
Тошкент шаҳар Чилонзор тумани,
Шарқ Тонги кўчаси, 23-уй.
Алоқа учун телефонлар:
(0371) 288-42-01, 288-46-64(104).
e-mail: info@adolat.uz
Интернет-сайт: www.adolat.uz

**ИНШОЛАР ТАНЛОВИ**

Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши томонидан Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишлаб "Ватан келажаги ёшлар қўлида" лойиҳаси доирасида олий ўқув юртлари талабалари, ўрта махсус касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ўртасида ўтказилаётган республика "Иншолар танлови"нинг қуйи босқичларида ёшларнинг юксак маънавияти, Ватанимизнинг ҳар бир қарич ерини севиб-ардоқлаши намоён бўлмоқда.

# «ВАТАННИ СЕВ, ТУПРОҒИНИ ЎП...»

Тошкент ирригация ва мелиорация, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат, Тошкент иқтисодиёт институти ҳамда бошқа шу каби бир қатор таълим муассасаларида ўтказилган иншолар танловида иштирок этган талаба-ёшлар Ватанга бўлган меҳр-муҳаббати, юртимизда кечаётган ислоҳотларга фаол муносабати, мустақиллигимизни мустаҳкамлашга ҳисса қўшишга интилишлари кучли эканлигини, ўз орзу-мақсадларини самимий ифодаладилар.

— Она юртнинг олтин водийлари, сўлим гўшалари, мусаффо осмони, тупроғи, табиати ҳар бир киши учун муқаддас. Мен ҳам Ўзбекистон деб аталмиш жаннатмонанд юртнинг фарзанди эканман, унинг ўтмиши, бугуни ва келажагининг бир бўлаги сифатида барча жабҳада олиб борилаётган ислоҳотларга дахлдорлик ҳиссини туяман, — дейди Миллий рассомлик ва дизайн институти талабаси Саодат Султонова, — Президентимиз томонидан кўрсатилаётган доимий эътибор ва ғамхўрлик ёш авлод зиммасига залворли масъулият юклайди, ёшлардан халқимиз олдида турган юксак мақсадларга эришишда янада фаоллик кўрсатишни талаб этади.

Албатта, бу каби танловларнинг ўтказилиши ижтимоий-сиёсий фаол, қатъий ҳаётий позицияга, кенг дунёқараш ва чуқур билимга эга бўлган ватанпарвар ёшларни тарбиялаш, уларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишда муҳим аҳамият касб этади.



Шунингдек, Фарғона вилоятидаги бир қатор олий ўқув юртлари талабалари ўртасида ўтказилган иншолар танловида ҳам ёшларимизнинг бахтиёр мамлакатнинг бахтли фарзандлари эканлигидан чексиз фахрланиши, ватанпарварлиги, юртимизнинг гуллаб-яшнаши, равнақи, буюк келажаги йўлида бор куч-ғайратини сафарбар этиши, интеллектуал салоҳияти яққол акс этди.

**Феруз ЖЎРАЕВ,**
**«Adolat» мухбири**

AGROBANK

# "Агробанк" АТБ: МИЖОЗ БАНК УЧУН ЭМАС, БАНК МИЖОЗ УЧУН

**МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИДА**

Аҳолининг муносиб ҳаёт даражаси ва сифати таъминланиши ҳамда мамлакатимиз ривожланган демократик давлатлар қаторидан ўрин эгаллашида чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш борасида изчил амалга оширилаётган ислоҳотларнинг аҳамияти катта.

Давлатимиз раҳбари бошчилигида ҳар томонлама пухта ўйланган, узоқни кўзлайдиган кенг кўламли ислоҳотлар натижасида Ўзбекистон тарихан қисқа давр ичида ишбилармонлик муҳитини яхшилаш борасида олиб бораётган ишлари туфайли халқаро иқтисодий ташкилотлар томонидан муносиб эътироф этилмоқда. Хусусан, ўтган йилнинг октябрь ойида Жаҳон банки томонидан эълон қилинган «Бизнес юритиш» рейтингида Ўзбекистон фақат бир йилнинг ўзида 16 поғонага кўтарилиб, 87-ўринни эгаллагани ёки «Кичик бизнес субъектларига кредит бериш» деб номланадиган кўрсаткич бўйича Ўзбекистон сўнгги уч йилда 154-ўриндан 42-ўринга кўтарилгани ва ўтган йилнинг ўзида рейтингни 63 позицияга яхшилагани фикримизнинг яққол исботидир.

Ўзининг ҳалол меҳнати билан нафақат ўз оиласининг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини яхшилаётган, балки ўзи яшаб, ишлаб келаётган ҳудуддаги инсонларни доимий иш билан таъминлаётган, бир сўз билан айтганда, ҳудудларнинг бойлигига бойлик қўшишни ният қилган хусусий тадбиркорлар, ишбилармонлар, фермерларга мақбул шартларда кредит ажратиш орқали юртимизнинг тараққиётига ҳисса қўшаётган молиявий муассасалардан бири «Агробанк» акциядорлик тижорат банкининг Тошкент вилоят бошқармаси бўлиб, 2016 йил 1 май ҳолатига кўра, бошқарма томонидан кичик бизнес субъектларига 22 583 миллион сўм ва жисмоний шахсларга 1 209 миллион сўм миқдорида кредитлар ажратилди.

Маълумки, Тошкент вилояти мамлакатимизнинг катта иқтисодий ва ижтимоий салоҳиятга эга марказий вилояти ҳисобланиб, кўпгина соҳа ва йўналишлар бўйича етакчи бўлиб келади. 2016 йил биринчи чорак якунларига кўра, мамлакатимизда ишлаб чиқариладиган саноат маҳсулотларининг қарийб 13,7 фоизи, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 17,2 фоизи, ялпи ички маҳсулотимизнинг эса 10,2 фоизи айни шу вилоят ҳиссасига тўғри келишида ҳудудда фаолият юритаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг хизмати беқиёс бўлмоқда.

Reklama o`rnida

Бу эса фаолияти иқтисодиётнинг аграр секторини молиялаштириш, банк хизмат турлари ва мижозлари сонини кўпайтириш орқали бюджетнинг асосий параметрларини бажаришга қаратилган бошқармадан алоҳида масъулият талаб этади.

Албатта, бошқарма томонидан хусусий бизнес вакиллари, фермер ва деҳқон хўжаликларига кўрсатилаётган банк хизматлари, ажратилаётган кредитлар ва уларнинг кўламлари ҳақида кўп маълумот келтириш мумкин. Бироқ энг холис баҳони доимо ушбу хизматлардан фойдаланувчи мижоз беришини инобатга олиб, қуйида бошқарма ва унинг филиалларидан кредит олиш ҳисобига фаолиятини юритаётган тадбиркорларнинг фикри билан ўртоқлашишни жоиз топдик:

**Зокиржон ИСРОИЛОВ,**
**«SANJAR ZOKIRJON O`GLI» фермер хўжалиги раҳбари:**

*— Болалигимизда ота-онамизга сигир, ҳўкиз, қўйларни боқишларига кўмак берардик. Бизда тўй кўп бўлади. Уларда дастурхон ёзилиб, элга ош тортилади. Унда, албатта, қўй, мол, эчкилар сўйилади. Демак, чорвачилик маҳсулотларига талаб камаймайди. Шунга ўйлаб, болаликдаги тажрибамдан унумли фойдаланиб, зотдор қорамолларни боқиш, ҳудудимизда фермерликни ривожлантиришга қарор қилдим. Бизнес-режа тузиб, "Агробанк" АТБнинг Ўртачирчиқ туманидаги филиалига кредит ажратилишини сўраб мурожаат қилдим. Банк ходимлари лойиҳамни ўрганишгач, фермер хўжалигимизга 80 миллион сўм кредит ажратиладиган бўлди. Ҳозирги кунда хўжалигимизда 5 нафар ходим фаолият юритади, яқин келажакда яна янги иш ўринлари ташкил этишни режалаштирганмиз. Фурсатдан фойдаланиб, менинг лойиҳамга ишонч билдириб, кўмак беришга қарор қилган банк раҳбариятига миннатдорлик билдираман. Шу билан бирга, биз, фермерларнинг эмин-эркин фаолият юритишимиз учун барча шарт-шароитларни яратиб бераётган ҳукуматимизга раҳмат айтиб қоламан.*

**Сандолим ЗИЯМИДДИНОВ,**
**«Зафар пласт инвест» хусусий корхонаси раҳбари:**

*— Хусусий корхонамизда аҳоли ва корхоналарга сифатли, замонавий кўринишга эга пластик ром ва эшиклар ясалади. Маҳсулотларимизнинг нархи ҳам ҳамёнбоп. "Агробанк" АТБнинг молиявий кўмаги ёрдамида фаолиятимизни муваффақиятли йўлга қўйиб олдик. Бизнес-режа тузиб, банкнинг Бекобод филиалига мурожаат қилдик. Филиал томонидан 30 миллион сўм миқдорида кредит ажратилди. Касб-ҳунар коллежи битирувчиларидан 2 нафарини ишга қабул қилдик. Албатта, фаолиятимизни янада кенгайтириш ва янги иш ўринларини яратиш ниятимиз ҳам йўқ эмас.*

Xizmatlar litsenziyalangan

*Кези келганда таъкидлаш лозим, авваллари қурилиш маҳсулотлари ўзимизда, Бекободда ҳам ишлаб чиқарилишини тасаввуримизга ҳам сиғдира олмасдик. Бугунги кунда мамлакатимизда биз, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар қўллаб-қувватланиб, имтиёз ва енгилликлар жорий этилаётгани туфайли истеъмолчилар учун ишлаб чиқарилаётган тайёр маҳсулотларнинг улуши ортиб бораяпти. Шу ўринда биз, тадбиркорлар ҳам бир жойда тўхтаб қолмасдан, аҳоли, истеъмолчининг талабини муттасил ўрганиб бориш, маҳсулотимизнинг тури ва сифатини янада ошириб боришга интилишимиз лозим.*

**Хайрулла ХОЛТЎРАЕВ**

**БУНЁДКОРЛИК**

Ҳар бир онгли инсон борки, ўзи туғилиб ўсган Ватани, киндик қони тўкилган шаҳар ёки қишлоғида рўй бераётган ижобий ўзгаришлардан қувонади, шу жойда яшаётган ҳамюртлари эришган натижалар билан фахрланади.






Ифтихор эса кишини бир жойда тўхтаб қолмай янгидан-янги марраларни кўзлаб, юксак мақсадларни илгари суриб, жамият ривожи, юрт тараққиёти йўлида меҳнат қилишга ундайди.

Ҳар йили баҳорда фақат шу заминга хос бўлган майса-чечаклардан яшариб, ажойиб манзара касб этадиган Чўпонота тепаликлари қадим Самарқанднинг мўътадил иқлимини белгилайдиган, беқарор шамолларни тизгинлаб, шаҳар бағрига бир текис мусаффо ҳаво улашадиган мўъжизакор маскан саналади. Ҳикоятларда айтилишича, Соҳибқирон Амир Темур ўзга мамлакатларнинг элчиларини айни шу ердаги сўлим боғида қабул қилиб, уларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатган экан.

Чўпонота тарихнинг жонли тилсими сифатида бугун ҳам самарқандликларнинг ардоқ-эътиборида бўлиб келмоқда. Шаҳар ҳокимлиги, ободонлаштириш, йўлсозлик ва бошқа мутасадди идора-ташкилотларнинг саъй-ҳаракатлари билан бу ерда ибратга лойиқ ишлар амалга оширилмоқда. Аввало, бир неча юз гектарлик тепалик чиқиндилардан тозаланиб, суғориш тармоқлари барпо этилди. Махсус техника воситалари ажратилди. Ҳозир эса Чўпонотада шу жойнинг иқлимига мос келадиган арчазор, бодомзор ва пистазорлар барпо этилмоқда.

— Биз ҳам эзгу мақсад-ҳаракатлардан четда қолмаяпмиз, — дейди "Дарғом" давлат ўрмон ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари Ойбек Хуррамов. — Чўпонотада 5 гектарлик майдонда кўчатзор барпо этдик. Ҳозир бу ерда павлония, қрим қарағайи, япон беҳиси, лола дарахти сингари анвойи ўсимликлар кўчатлари кўпайтирилмоқда. Яқин орада бу кўчатлар Чўпонота тепаликларига ажойиб кўрк бағишлайди.

Дарвоқе, Кўҳак қирлари ёки Чўпонота маскани дунёнинг етти иқлимига хос ва мос бўлган нодир дов-дарахтларни ўз бағрига сиғдиришга қодир. Хусусан, бу ерда кўпайтирилаётган, асли Хитой иқлимига хос павлония дарахти бир йилда беш метргача бўй бера олади. Аҳамиятлиси, унинг барглари йирик, ҳавони тозалашда, кислород билан тўйинтиришда барча ўсимликлардан кўра юқори даражада хизмат қилмоқда. Бу дарахт танаси ёғочсозлик ва қоғоз саноати учун бебаҳо хомашё ҳисобланади. Чўпонотада барпо этилган дастлабки уч гектарлик пистазор ҳам табиатга зеб бермоқда. Яқин икки-уч йилда бу ерда пистазор ва бодомзорлар 50 гектарга етказилади.

— Чўпонота ёнбағридаги машҳур Боғибаланд анжирзорлари ҳақида эшитганмисиз? — дейди "Дарғом" корхонаси ўрмонбегиси Субҳон Абдусаломов. — Бу меваларни тоза ҳаво оқими ўтиб турадиган фақат шу баландликда етиштириш мумкин. Демак, қадим Самарқанднинг иқлим ва тупроқ шароитида Соҳибқирон Амир Темур боғларини тиклашимиз кўҳна шаҳар тарихини қадрлаш ва асрашимизга хизмат қилади.

**Зоҳир ТЎРАҚУЛОВ,**
**"Adolat" мухбири**

## Бахт — энг яхши дорилфунун

Бахтга интилиш бўлмаган жойда умуман интилиш ҳам йўқ. Бахтга интилиш интилишларнинг интилишидир.
Л.ФЕЙЕРБАХ

Қуш парвоз учун, инсон бахт учун яралган.
В.КОРОЛЕНКО

Инсон ўзини муҳофаза этишга ҳамда бахтиёр бўлишга интилувчи таъсирчан, сезгир, ақлли ва фикр юритувчи мавжудотдир.
П.ГОЛБАХ

Энг яхши дорилфунун бахтда мужассам. У эзгулик ва гўзалликка қодир қалб тарбиятини ниҳоясига етказади.
А.ПУШКИН

Ҳамма учун бахт — ҳамманинг аҳил меҳнати билан яратилади.
Г. ИБСЕН

Reklama

ASAKA BANK

ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

«АСАКА» БАНК

2016 йил — «Соғлом она ва бола йили» деб эълон қилиниши муносабати билан миллий валютада қуйидаги муддатли янги омонат турини таклиф этади:

«СОҒЛОМ ОНА ВА БОЛА»

Ушбу омонатга ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

Шу билан биргаликда, «Асака» банк миллий валютада 26 турдаги ва хорижий валютада 14 турдаги омонатларни қулай шартларда таклиф этади. Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин. Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш жамғармаси томонидан кафолатланади.



Сизнинг омонатларингиз:
- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
- эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- миқдори чекланмаган!

| Филиаллар | Код | Телефон |
|---|---|---|
| Тошкент шаҳар филиали | 371 | 120-83-13 |
| Наманган вилоят филиали | 369 | 227-15-68 |
| Автотранспорт филиали | 371 | 120-39-95 |
| Навоий вилоят филиали | 436 | 770-21-29 |
| Шайхонтоҳур филиали | 371 | 140-39-36 |
| Зарафшон филиали | 436 | 572-40-14 |
| Юнусобод филиали | 371 | 221-80-67 |
| Бухоро вилоят филиали | 365 | 770-05-19 |
| Сирғали филиали | 371 | 257-44-10 |
| Бухоро шаҳар филиали | 365 | 770-11-27 |
| Тошкент вилоят филиали | 371 | 120-84-13 |
| Самарқанд вилоят филиали | 366 | 233-65-47 |
| Андижон вилоят филиали | 374 | 223-60-74 |
| Афросиёб филиали | 366 | 221-71-76 |
| Асака филиали | 374 | 233-21-99 |
| Қашқадарё вилоят филиали | 375 | 221-07-41 |
| Фарҳод филиали | 374 | 226-96-63 |
| Сурхондарё вилоят филиали | 376 | 770-82-12 |
| Фарғона вилоят филиали | 373 | 244-39-14 |
| Қорақалпоғистон филиали | 361 | 770-60-59 |
| Марғилон филиали | 373 | 237-62-23 |
| Хоразм вилоят филиали | 362 | 228-14-81 |
| Олтиариқ филиали | 373 | 432-19-80 |
| Сирдарё вилоят филиали | 367 | 225-44-03 |
| Қўқон филиали | 373 | 542-61-01 |
| Жиззах вилоят филиали | 372 | 226-43-11 |

«Асака» банк сармоянгизнинг сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди!

www.asakabank.uz
Хизматлар лицензияланган

МУАССИС:
Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши

Бош муҳаррир: Ислом ҲАМРОЕВ

Таҳрир ҳайъати:
Наримон УМАРОВ
Муҳаммад АЛИ
Гавҳар АЛИМОВА
Муҳаррам ДАДАХОДЖАЕВА
Қодир ЖЎРАЕВ
Тошпўлат МАТИБАЕВ
Талъат МУРОДОВ
Абдукамол РАҲМОНОВ
Собир ТУРСУНОВ
Алишер ШОДМОНОВ
Шуҳрат ЯКУБОВ

Бўлимлар:
Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — *288-46-54* (149); Котибият — *288-42-14* (144); Ахборот, ҳуқуқ ва хатлар бўлими— *288-42-12* (146); Қабулхона — *288-42-23*; *288-42-12* (141) факс; Реклама бўлими — *233-41-89*.
**Навбатчи муҳаррир** — Камол Матёқубов
**Навбатчи** — Бобиржон Тунгатов

«Adolat»дан кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган
**Таҳририят манзили:** *100043, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани «Шарқ тонги» кўчаси, 23-уй.*
**info@adolatgzt.uz**

*Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган.*

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Қоғоз бичими А-2. Ҳажми — 4 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Буюртма Г — 500. Адади — 9604
Босишга топшириш вақти — 00.15
Босишга топширилди — 01.15
*Баҳоси келишилган нархда*

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100
ISSN 2091-5217
1 2 3 4 5